Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 45 (7. 134) ◉ 1990 йил 23 февраль, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

⊙ **«Илмий-техникавий сиёсатга янгича ёндашувлар» сарлавҳаси остида марказий газеталарда кеча ўз ишини якунлаган Бутуниттифоқ илмий-техникавий конференцияси ҳақида ҳисобот берилган.**

⊙ **Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни муносабати билан СССР мудофаа министрининг буйруғи эълон қилинган.**

⊙ **Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг биринчи сессиясини 1990 йил 29 мартда чақириш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони берилган.**

МАМЛАКАТ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Мамлакат ва халқнинг бундан буёнги турмушини кўп жиҳатдан ҳал қилиб берадиган мамлакатимиз тарихидаги қийин пайтда КПСС Марказий Комитети сизларга мурожаат қилади.

Қайта қуриш туфайли жамиятимиз ўнлаб йиллар давомида биринчи марта сиёсат ва иқтисодиётда, ижтимоий ва маънавий турмушда туб ислоҳот ўтказиш йўлига, маънавий покланиш йўлига ўтиш имкониятига эга бўлди.

Демократик жараёнлар оғишмай олға томон ҳаракат қилмоқда. Одамларда ижтимоий фаоллик, чуқур ижобий ўзгаришларга ташналик уйғонди.

Мамлакатда авж олиб кетган мунозара давомида жамиятимиз биносини бутунлай янгилаш тўғрисида, кундалик ташвишлар ва эҳтиёжларни ҳал қилиш ҳақида принципиал гап бормоқда. Ҳозирги турмушимизда кўп нарсалар бизни қаноатлантирмайди, ташвиш туғдиради. Меҳнаткашлар эгасизлик ва уқувсизлик, масъулиятсизлик ва суиистеъмол фактларига дуч келаётганларида уларнинг ғазабланаётганликлари яхши тушунарлидир. Совет кишилари кескин миллатлараро можаролар, экстремизм, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни қўпол бузиш ҳолларидан ачинмоқдалар ва ташвишланмоқдалар.

Фақат бутун халқнинг куч-қудрати, пайсалга солмай қатъий куч-ғайрат сарфлашгина мамлакатни ҳозирги мураккаб ҳолатдан олиб чиқа олиши бизга мутлақо равшан. Аҳиллик ва ҳаракат бирлиги, қайта қуришни ҳимоя қилишга, социалистик янгиланиш йўлидан ишонч билан олға ҳаракат қилишга аҳду-паймон биз учун ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур.

Биз жамиятимизда қайта қуриш шиорларини такрорлаб, аслида қайта қуришга ҳужум қилаётган, ўз ғаразли манфаатларини, шуҳратпарастлик мақсадларини кўзлаётган, «қанчалик ёмон бўлса шунча яхшироқ» принципи асосида ҳаракат қилиб, халқни граждан мухолифлиги томон бошлаётган кишиларнинг ҳаддидан ошиб кетишига ва устун келишларига йўл қўя олмаймиз.

Бундай кишилар ҳамма нарсадан фойдаланмоқдалар: мавжуд қийинчиликлар ва нуқсонлардан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар, одамларни зўравонликка, иқтисодий масъулиятсизликка ва гражданлик қонун-қоидаларига бўйсунмасликка, давлат ва жамоат муассасаларига тазйиқ ўтказишга ундамоқдалар. Қабиҳ эҳтиросларни ҳис-туйғуларни авж олдириш, партия, совет, хўжалик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига, армиямизга тухмат ва бўҳтон қилиш — ҳаммаси шармандаларча ишга солинмоқда.

Мамлакатда айни ана шундай экстремист кучларнинг таъсири билан кўпгина намойишлар бўлиб ўтди, бу намойишлар янгиланиш шиорлари билан бошланиб, Советларга қарши даъватлар ва тартибсизликлар, безорилик хуружлари ва ур-йиқитлар билан, одамлар бошига алам ва қайғу солиш билан тугади.

Биз ҳар қандай сафсатабозлар ва сиёсатбозларнинг демократияга қарши, қонунга қарши ҳаракатларига, уларнинг миллий нифоқ солишларига, кўпол тазйиқ ўтказиш ва қўрқитиш усулларига, партия ва совет идоралари ва уларнинг ходимларини тушкунликка солишга уринишларига, жамиятда душманлик ва шафқатсизлик, ташвиш ва ишончсизликни авж олдиришларига тоқат қила олмаймиз ва тоқат қилмаслигимиз керак.

Булар йўл қўйиб бўлмайдиган ва тоқат қилиб бўлмайдиган хатти-ҳаракатлардир. Бундай хатти-ҳаракатлар қатъиян қораланиши керак.

СССР Олий Совети 20 февраль куни қабул қилган Баёнотида бузғунчи кучларни жамиятимиз кемасини чайқатишга уринмаслик ҳақида огоҳлантирди, ҳукумат, жойлардаги совет идоралари зиммасига ҳар қандай митинг фақат ҳокимиятнинг рухсати билан ўтишини, совет қонунларига қатъиян ва оғишмай риоя қилинишини қаттиқ назорат қилишни таъминлаш вазифасини юклади.

КПСС Марказий Комитети Олий Советнинг сиёсий Баёнотини қўллаб-қувватлаб, барча партия ташкилотларини, мамлакатнинг барча меҳнаткашларини қайта қуришни ҳимоя қилишга, олий ҳокимият органи талабларини амалда рўёбга чиқаришга чақиради.

КПСС Марказий Комитети коммунистлар ва партиясизларни, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларни, касаба союзлари ва комсомолни, эркаклар ва аёлларни, ёшлар ва ветеранларни ҳамма жойда қонунни, демократия принципларини асраб, бошбошдоқликка бошлаётган, можаролар, нифоқ ва душманлик келтириб чиқараётган, жамиятда беқарорликни вужудга келтираётган кишиларга зарба беришга чақиради. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳуқуқ-тартиботга риоя этилишини қаттиқ кузатиб боришлари, Конституцияга зид ҳар қандай ҳаракатларга қатъиян чек қўйишлари, одамларни ҳимоя қилишлари керак.

Меҳнат аҳлининг сўзи пировардида ҳал қилувчи сўздир. Марказий Комитет меҳнаткашлар ўзларининг уюшқоқлиги, интизоми ва масъулияти билан, қайта қуришга халақит бераётганларга, қайта қуришнинг бунёдкорлик маромини бузаётганларга қарши курашдаги қатъияти билан, мамлакатимизда партиямиз ташаббуси билан бошланган ўзгартишлар муваффақиятини таъминлайди, деб ишонч билдиради.

Мамлакатни ҳозирги мураккаб вазиятдан олиб чиқиш, уни иқтисодий ўсиш, ижтимоий жиҳатдан соғломлик, муносиб турмуш йўлига фақат масъулият ва соғлом фикр, қонунийлик, интизом ва демократия, ҳалол меҳнат билангина буриб юбориш мумкин.

КПСС Марказий Комитети социалистик Ватан йўлида, мамлакатдаги барча халқларнинг, бутун жамиятнинг фаровонлиги, ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада бахт-саодат бўлиши учун демократик асосда бирлашишга даъват этади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети

Янгиланиш муваффақиятининг кафолати

Куни кеча 2-автокомбинатда қайта қуришни ҳимоя қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари якдиллик билан қабул қилган қарорда жумладан шундай дейилади:

Биз, йиғилиш қатнашчилари, инсонпарварлик, жамиятимизни демократиялаштириш принципларига амал қилган ҳолда қайта қуришни қўллаб-қувватлаймиз, уни социализмни янгилаш, иқтисодиёт ва ижтимоий-сиёсий системани тубдан қайта қуриш асосида жадаллаштиришга даъват этамиз. Бунда соғлом кучларнинг жипслигини таъминлашнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаймиз.

Биз қайта қуришни миллатчилик, куч ишлатиш, тартибсизликлар, интизомни бузишлардан қатъий ҳимоя қилиш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратамиз.

Сафсатабозликларга айланаётган митингбозликлар, тартиббузарликлар бизнинг қорнимизни тўқ, устимизни бут қилмайди. Бунёдкорлик меҳнатимиз учун тинчлик, осуда ҳаёт керак.

Демократия ва ошкоралик тўлқинида ғаразли мақсадларини кўзлаб миллатлараро можароларни авж олдираётганларни, тўполонларга, иш ташлашларга чақираётганларни қатъиян қоралаймиз. Ҳукуматдан, маҳаллий Советлардан, ҳуқуқ-тартибот органларидан ҳамма жойда тартиб ўрнатилишини, қайта қуришга раҳна солаётган хатти-ҳаракатлар учун масъулиятни кучайтиришни талаб қиламиз.

Биз самарали меҳнат, ишлаб чиқаришда ва жамиятда тартиб ўрнатишда фаол иштирок этиш қайта қуриш муваффақиятининг кафолати эканлигини чуқур ҳис этмоқдамиз. Шунинг учун пойтахтимиз барча меҳнаткашларини қайта қуришни ҳимоя қилиш учун куч-ғайратларни бирлаштиришга даъват этамиз.

Биз, янги инсонпарвар ва демократик социализм, ақлидрок билан иш тутиш тарафдоримиз.



⊙ **ИШЧИ КАСБИНИ ШАРАФЛАЁТГАН ЕШЛАР.** Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари Мурод Бобожонов ва Набижон Аҳмедов. Х. Мирзакаримов сурати.

Марказий сайлов комиссиясида

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ БАЪЗИ ОКРУГЛАРДА ҚАЙТА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 53-моддасига асосан 1990 йил 15 апрелда 36 та сайлов округида қайта сайлов ўтказишга қарор қилди. Қайта сайлов ўтказиш аввалги составдаги тегишли округ ва участка сайлов комиссияларига топширилди.

«Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ асосий сайловолди тадбирларини ўтказишнинг қуйидаги тартиби белгиланди:

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш — 1990 йил 15 мартга қадар;

Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш — 1990 йил 31 мартга қадар;

депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари улар рўйхатга олинган кундан бошлаб 1990 йилнинг 14 апрелигача ўтказилади;

сайловчиларнинг рўйхатлари ҳамма танишиши учун 1990 йилнинг 3 апрелида тақдим этилади.

Қайта сайловда овоз бериш аввалги сайлов участкаларида, умумий сайлов ўтказиш чоғида тузилган сайловчилар рўйхатлари асосида ўтказилади.

Тегишли округ сайлов комиссияларига барча сайловолди тадбирларини сайлов тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ сифатли ўтказилишини таъминлаш ҳамда қайта сайлов ўтказилиши тўғрисидаги ахборотни область матбуоти ва маҳаллий матбуотда 1990 йил 1 мартгача эълон қилиш вазифаси топширилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлари сайловини ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг

АХБОРОТИ

20 февраль куни шаҳар сайлов комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни комиссия раиси А. Ғуломмаҳмудов олиб борди.

Мажлисда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлари сайловининг натижалари тўғрисида округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколлар кўриб чиқилди.

Депутатларни сайлаш учун сайловчилар рўйхатларига 1236943 киши киритилган эди, овоз беришда 996945 киши, овоз берувчиларнинг 80,59 фоизи иштирок этди.

Тошкент шаҳар Совети депутатлари сайловини ўтказиш учун 23 округ ташкил этилган эди. Уларда 568 депутатликка номзод овозга қўйилди.

Айни вақтда сайлов бюллетенларига 103 округда битгадан, 59 округда иккитадан, 87 округда учтадан ва ундан зиёд номзод киритилган эди.

Сайловлар 250 сайлов округида бўлиб ўтди. 170 округдан Тошкент шаҳар Советига депутатлар сайланди. Ҳар бирида иккитадан кўп номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган 62 округда «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 53-моддасига мувофиқ 4 март куни такрорий овоз бериш ўтказилади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига иккитадан номзод овозга қўйилган 18 округда номзодлар сайловчиларнинг зарур миқдордаги овозларини ололмадилар ва сайланмадилар. Ана шу округларда қайта сайловлар ўтказилади.

Шаҳар сайлов комиссияси сайлов тўғрисидаги қонунининг 49-моддасига мувофиқ барча депутатларни рўйхатга олди. Ҳаммаси бўлиб Тошкент шаҳар Советига 170 депутат сайланди. Сайланган депутатлар орасида хотин-қизлар 37 нафарни, эркаклар — 125 нафарни, ишчилар — 48 нафарни, КПСС аъзолари ва аъзолигига кандидатлар 131 нафарни, ВЛКСМ аъзолари тўрт нафарни ташкил этади. 118 киши биринчи марта депутатликка сайланди.

АРМИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ АЛОҚАСИ УЗИЛМАСДИР

Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта опера ва балет театрига партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, Тошкент гарнизонининг жангчилари, байналмиларчи жангчилар, Ўзбекистон пойтахти меҳнат коллективлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари келишди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков очди.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко доклад қилди.

Докладда Улуғ Ватан урушида нацистлар Германияси устидан эришилган ғалабада Совет Армияси муҳим роль ўйнаганлиги таъкидланди. Туркистончи жангчилар ҳам ғалабага ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Жамиятимизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида содир бўлаётган жўшқин инқилобий янгиланиш жараёнлари армияни ҳам четлаб ўтмади. Интизомни мустаҳкамлаш, жангчиларнинг маҳоратини ошириш билан бирга офицерлар составини ҳарбий хизматчиларнинг маънавий яқинлиги мустаҳкамланмоқда, Қуролли Кучларнинг демократик ташкилотлари фаоллашмоқда, армия билан халқнинг алоқаси мустаҳкамланмоқда. Республикамизда областлар билан ўзбекистонлик жангчилар хизмат қилаётган ҳарбий қисмлар ўртасида оталиқ алоқалари ривожланиб бормоқда. Ёвуз ниятли кишиларнинг армияга қарши кайфиятни гиж-гижлашга ҳар қандай уринишлари ҳам армия билан халқ ўртасидаги мустаҳкам алоқани буза олмайди.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг шахсий состави Октябрь ғалабаларини, совет кишиларининг тинч меҳнатини ҳимоя қилишга доим тайёр. Бутун совет кишилари сингари Туркистон жангчилари ҳам Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 45 йиллигини, КПСС XXVIII съездини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўришмоқда.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Р. Ғ. Ғуломов, республика Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси А. С. Моргасов иштирок этдилар.

* * *

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун байрам концерти кўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

⊙ **БУГУН эрта билан автобус рулига ўтириб ишга отланган Улуғ Ватан урушн қатнашчиларини 3-автобус парки маъмурияти байрам билан қизғин табрикладн.**

— Корхонамизда ўттиздан ортиқ Улуғ Ватан урушн қатнашчиси меҳнат қилади, — дейди ҳайдовчи Худойберди Белидолматов. — Уларнинг ҳаммаси ўз соҳаси бўйича ёшларга мураббий. А. Беликов, А. Нурматов, Т. Раҳимов каби тенгдошларим бугунги кунда ҳам барчага ўрнак.

⊙ **Байрам муносабати билан ўтказилган учрашувда 21 Улуғ Ватан урушн инвалидларн ва қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди,** — дейди Собир Раҳимов районидаги Улуғбек номли маҳалла комитетининг раиси, Улуғ Ватан урушн иштирокчиси Тоҳир Қосимов. — Ҳозир районимизда 56 та маҳалла бор. Ишни оқсоқоллар билан бамаслаҳат олиб боришимиз туфайли маҳалламиз райондаги энг кўркам ва обод масканлардан бирига айланиб бормоқда.

⊙ **Тошкент машинасозлик институтида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтдн.** Унга Улуғ Ватан урушн ветеранлари, байналмиларчи-жангчилар, бошқа меҳмонлар таклиф этилдн.

Йиғилганларни институт ректори Н. Юсупбеков ва истеъфодаги полковник П. Б. Зайцев қутладилар.

⊙ **Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган бошқа мақолаларнн газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз.**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшлар учун

⊙ **РЕСПУБЛИКА модалар уйи чеварлари «Н» индекси билан ёшларбоп турли хил кўйлаклар тайёрлашга киришди.**

БУГУН бу янги маҳсулотлардан 1 минг 200 дона ишлаб чиқарилди ва модалар намуналари Самарқанд ва Нукус тикув корхоналарига юборилди. Модалар уйи айни пайтда Ўзбекистондаги ўн тўртта тикув корхонасини замонавий бежирим либос моделлари билан таъминламоқда.

Д. МУРОДОВ.

Оила қувончи

⊙ **БУГУН Юнусобод даҳасининг Мирзаахмедов кўчасида бунёд этилган 9 қаватли 90 квартирали турар жой биносига оилалар кўчиб кирди.**

«Главташкентстрой»нинг 3-уйсозлик комбинатига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг В. Цой етакчилик қилаётган комплекс бригада аъзолари ҳамда «Мостстрой» трестига қарашли пардозлаш бошқармасининг С. Низомов етакчилик қилаётган сайқалчилари бунёд этган бу турар жой биносида, ҳадемай уй тўйлари ўтказилади.

Д. АБДУЛЛАЕВ.

Безаклар, дарпардалар

⊙ **«МЕТАЛЛОБИТРЕМОНТ» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи истеъмол буюмларни кўплаб ишлаб чиқариб халққа манший хизмат кўрсатишни янада яхши йўлга қўймоқда.**

БУГУН коллектив янги маҳсулот — енгил автомобиллар безаклари ва ҳимоя ойналари, дарпардалар ишлаб чиқаришга киришди. Йил охиригача бу янги маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами бир неча баробар ошади.

Д. ОБЛАЕВ.

Чаққон қўллар

⊙ **«ТАШМЕТРОСТРОЙ» трестига қарашли 2-қурилиш-ремонт бошқармасининг Васнлий Сметана бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси Чилонзор даҳасининг 21-кварталида қад ростлаётган 24 онлага мўлжалланган турар жой биноси қурилишида меҳнат қилмоқда.**

Йигирма беш кишилик аҳил коллектив ишларни комплекс тарзда олиб боряпти. Тўртинчи қаватда ғишт терувчилар, учинчи қаватда дурадгорлар, иккинчи ва биринчи қаватларда эса сувоқчилар ишларни сифатли бажаришяпти. Ғишт терувчилар А. Магидов, В. Мансеров, В. Боргов, бетончи Б. Царев, дурадгор А. Логунов, электр устаси Р. Исмоилов айниқса жонкуярлик қилишмоқда.

М. ОТАХОНОВ.



⊙ УЙ ТЎЙЛАРИ ЯҚИН. Энгельс кўчасидаги 16 қаватли замонавий турар жой биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Бу бинони 11-«Висотстрой» трести бунёдкорлари қуришди.

М. Нуриддинов сурати.

Мўйнали либослар

⊙ **ТОШКЕНТ кўнмўйна заводида илк бор қуён терисига ишлов берила бошлади.** Бу савдо пештахталарида мўйнали кийимкечакларнинг кўпайишига имкон беради. Хом ашёни корхонага Тошкент область матлубот жамияти пайчилар жамиятн етказиб бермоқда.

Йил якунигача 80 мингга яқин янги буюм тайёрлаш режалаштирилган. Шаҳримиз мўйнадўзлари бу йил жами 18,5 миллион сўмлик буюмлар тайёрлайдилар. Савдо пештахталарига 19 хил маҳсулот чиқарилади.

Д. ОТАЕВ.

Бразилиялик меҳмон Тошкентда

⊙ **ЎЗБЕКИСТОН ССР Давлат симфоник оркестри Иттифоқимиздаги, қолаверса хориждаги йирик санъаткорлар билан яқин ижодий ҳамкорликда иш кўриб, бир қанча қизиқарли программаларни тақдим этмоқда.**

Оркестрнинг ижрочилик маҳорати бразилиялик машҳур дирижёр Д. Мачадонинг ҳам эътиборини ўзига тортди.

Ана шу санъат арбоби яқинда серқуёш жумҳуриятимизда бўлганда ижодий коллектив созандалари билан биргаликда қатор томошалар кўрсатди. Унинг дирижёрлигида машҳур бастакорлардан Моцарт, Бетховен, Веберларнинг энг яхши асарлари янгради. Рахманиновнинг биринчи фортепьяно концерти ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Айни бир вақтда бразилиялик ижодкор В. Лобоснинг ғоят таъсирли музыка асарлари ҳам томошабинларга жозиба бахш этди.

А. АЛИЕВ.

Буюк олим сиймоси

⊙ **ИСТЕЪДОДЛИ ҳайкалтарош Қ. Мирзараҳимов болаликдан санъатга меҳр қўйди.** Ногирон ўсганлиги учун у барча асарларини чап қўлда яратиб келмоқда.

Санъаткор биринчи йирик асарини инсониятнинг эзгу орзуси бўлган тинчлик мавзусига бағишлаб, «Пиқилган ҳайкалтарош» деб номлаган эди. Кейинчалик унинг мўъжаз қўли билан яна кўплаб ҳайкаллар сайқал топди.

Ўрта аср Шарқининг буюк олими ва мутафаккири Абу Райҳон Берунийнинг ёркин сиймосини яратишда ҳам у катта муҳаббат билан иш кўрди. Яқинда тугалланган бу ҳайкал унинг навбатдаги жиддий ижодий ютуғи бўлди.

Янги асар Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетн биносида очилган кўргазмада муваффақиятли кўрсатилди. Бундан олдин эса санъаткор энг яхши асарларидан бир қанчасини Сочидаги Николай Островский музейига тортиқ қилган эди.

С. ОДИЛОВА.

«01» хабар қилади

Ёнғин ўчирилди

⊙ **БУГУН эрта билан Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармасининг капитани Олег Петрович Болганов редакциямизга қўнғироқ қилиб, қуйидагиларни хабар қилди:**

КЕЧА шаҳримизнинг тўртта районида ёнғин содир бўлган. Ленин районидаги Кафанов кўчаси, 4-боши берк кўча, 14-уй, 13-квартирада соат 23 дан 02 минут ўтганда Н. Абрамов уйига ўт тушган. Акмал Икромов районидаги Чилонзор массивининг 21-квартал, 24-уй, 17-квартирасида истиқомат қилувчи Б. Петров маст ҳолда уйига келиб, папирос чекиб ухлаб қолган. Натижада соат 02.39 минут ўтганда уй ёнган.

Октябрь районидаги Қоратош кўчасида қурилиш олиб бораётган 50-қурилиш бошқармасининг вагончаси соат 05.21 минут ўтганда ёниб кетган. Ҳамза районидаги Радость кўчасининг 61-уй олдида «Москвич—412» маркали, давлат номери 34—99 ТНС машинаси ёниб кетган. Машина эгаси Р. Ризамов. Машина қисқа туташув оқибатида ёнган.

АНИҚ ЙЎНАЛИШДА

Жумҳурият тўла хўжалик ҳисобига ўтишга тараддуд кўряпти. 1991 йилдан иқтисодий мустақиллик ҳукм суриши керак. Лекин биз ана шу мустақилликка тайёрмизми? Хўжалик ҳисоби шароитида иш юритишни биз қандай тасаввур этамиз?

Бугунги кунда Тошкент халқ хўжалиги институти қошида ташкил этилган «Иқтисодиёт» клуби ўз олдига ана шу муҳим ишга муносиб ҳисса қўшишни вазифа қилиб қўйган.

Қайта қуриш туфайли жумҳуриятимизда турли мунозара клублари ташкил этилди. Бу клубларда турли касб эгалари ўзларини қизиқтирган соҳаларининг муаммолари ва уларни бартараф этиш йўлларини излайдилар. Клуб аъзоларининг қизиқишлари турлича. Лекин мақсадлари битта — жумҳуриятимизда халқ фаровонлигини ошириш.

«Иқтисодиёт» клуби эса ўз олдига иқтисодий билимларни оммага етказишни мақсад қилиб қўйган. Бугунги шароитда қайта қуриш ғояларини оммага тушунтириш, янги иқтисодий ва ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш, кези келганда, ушбу масалалар юзасидан таклиф ва тадбирларни ишлаб чиқиш ниҳоятда муҳим. Клуб ташкилотчилари ана шу масалаларни ҳал қилишга ўзларининг ҳиссасини қўшишлари лозим деб билишди.

Ёш иқтисодчилар — Октябрь район ошхоналар трести бухгалтерининг ўринбосари Фатхулла Жўраев, «Узобувьторг» бош бухгалтери Абдуҳамид Хўжамов, ёш иқтисодчи Ғуломқодир Турсуновларни клуб ишининг бошловчилари дейиш ўринли бўлади. Улар «Иқтисодиёт»нинг фаолиятига пойдевор қўйишиб, кўплаб ёшларни унинг машғулотларига сафарбар этишди. Тошкент халқ хўжалиги институти ҳамда Ўзбекистон Давлат план комитети раҳбарлари клуб ишини ташкил этишга яқиндан ёрдам бердилар.

— Ҳар бир жумҳуриятда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш, хўжалик юритиш ва бошқаришнинг ўзига хос иқтисодий ва миллий хусусиятлари бўлиши лозим, — дейди клуб ташкилотчиларидан бири Ғ. Турсунов. — Лекин сўнгги йилларда Иттифоқимиздаги барча жумҳуриятлар иқтисоди бир хил йўналишда ривожланяпти. Иқтисод асосан марказдан бошқарилиб турибди. Бир неча йиллардан бери кўплаб пул, техника ва меҳнат ресурсларининг сарфланаётганидан қатъий назар унинг самарадорлиги ошмаяпти. Айниқса деҳқонларнинг, кўп болали оилаларнинг, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи мураккаб. Олимлар, иқтисодчилар, ишчилар, деҳқонлар, талаба ва ёшлардан ташкил топган клуб жумҳуриятда етилган муаммоларни қисман бўлса-да, ҳал қилишга бел боғлаган. Ишимизни ташкил этиш, машғулотларни планлаштириш билан асосан 5 кишидан иборат ташаббускор группа шуғулланяпти. Халқ хўжалиги институтининг катта ўқитувчиси Ҳамидулла Нурмуҳамедов, файласуф Абдулҳай Абдумавлонов, иқтисод фанлари номзодлари Фарҳод Рўзиев, Заҳриддин Салоҳиддинов, Саъдихон Меҳмоновлар ана шу группа вакиллари.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, «Иқтисодиёт» клуби ўз фаолиятини аниқ йўналишда олиб бораётганлиги, бу ерда тўпланган иқтисодчилар қуруқ маъруза ва ўринсиз тортишувлар билангина машғул бўлмай, балки амалий иш билан шуғулланаётганлиги кишини қувонтиради. Маълумки, бугун жумҳуриятнинг барча мутасадди ташкилотлари Ўзбекистонни иқтисодий мустақилликка ўтказиш борасидаги муҳим тадбирларни белгилаб, ишни ташкил этиш йўналишлари устида бош қотиряптилар. Эртанги кундаги иқтисодий мустақиллик йўналишлари баҳс тарзида муҳокама қилиниши керак. Шунинг учун ҳам бу соҳада барча ташкилотларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш ўринлидир. «Иқтисодиёт» клуби бу борада «Ўзбекистон Социалистик Жумҳурияти хўжалик ҳисоби»нинг асосий қарашларини ишлаб чиқди.

— Бугунги кунда Ўзбекистоннинг 90—95 фоиз табиий, маданий бойликлари Иттифоқ ва иттифоқдошлар ихтиёрида, — дейди клуб аъзоси, иқтисод фанлари номзоди Ф. Р. Рўзиев. — Жумҳурият Иттифоқнинг хом ашё базасига айланиб қолган. Ўзбекистондаги пахта, қоракўл тери, ипак, тилла сингари хом ашёларнинг 90—100 фоизи жумҳурият ташқарисига олиб чиқиб кетилади. Ҳолбуки, хом ашёни шу ерда қайта ишласак, меҳнатга лаёқатли ёшлар, йигит, қизлар ўз қўллари билан турли маҳсулотлар, ускуна ва буюмлар яратиши, меҳнат нашидасини суриши мумкин.

«Иқтисодиёт» аъзоларининг асосий қисми тажрибали мутахассислар. Улар иқтисодий мустақилликка ўтиш жараёнида жумҳуриятда деҳқон хўжалиги, ёшлар масаласи, кўп болали оилалар, сувдан фойдаланиш, Ўзбекистоннинг бюджет ҳуқуқлари, қишлоқ қурилиши, ер ости бойликларидан фойдаланиш, миллий бойликларни асраш хусусида қатъий қонунлар зарурлиги ҳақидаги ғояни илгари суришмоқда.

Бугун клуб мутахассислари жумҳуриятнинг молиявий ва бюджет соҳаларини қизиқиш билан ўрганиб, ўз таклиф ва мулоҳазаларини киритяптилар. Учрашувларга мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф этилмоқда. Ҳозиргача иқтисод фанлари докторлари А. У. Ўлмасов, В. В. Ким, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Ғ. Ғуломов, иқтисод фанлари доктори А. Қаҳҳоровлар билан бўлиб ўтган учрашувлар клуб фаолиятини йўналтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

В. МАДИМАРОВА.

Вагонлар бекор турмасин

Жарима тўлаган билан...

Мен темир йўлни инсоннинг қон томирчаларига ўхшатгим келади. Чунки улар инсон танасидаги томирчалар каби мамлакатимиз бўйлаб таралган. Пўлат изларидан поездлар қон каби чопади. Агар тўхтаб қолса-чи...

БУЮРТМАЧИЛАР юкларини кўзлари тўрт бўлиб кутаверадилар. Вагонлар жойида қимирламай тураверади. Гарчи катта магистрал йўлларида поездлар камдан кам тўхтаса-да, бироқ йирик-йирик корхоналарнинг темир йўл шохобчаларида вагонлар соатлаб, кунлаб, ҳафталаб қолиб кетяпти. Ахир битта вагон давлат учун фалон пул турган бир пайтда бундай хўжасизлик билан келишиб бўладими?

Хўш, вагонлар нима учун бекўда туриб қоляпти? Корхоналар қачонгача давлат чўнтагидан жарақ-жарақ жарима тўлашади?

Шаҳарнинг еттита корхонаси темир йўл шохобчалари текширилганда, шу нарса маълум бўлдики, юк ортиш ва тушириш ишлари хоҳлаган вақтда амалга оширилади. Корхоналарнинг раҳбарлари эса бу муҳим ишга панжа орасидан қараб келаяптилар. Чунончи «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикаси (масъул — директор ўринбосари Э. Е. Коэнов)да вагонлардан фойдаланиш самараси ўтган йилларга нисбатан пасайиб кетди. Натижада юк ортилган вагонларнинг туриб қолиш ҳоллари кескин ортди. Агар 1988 йилда юк ортилган вагонлар 736 соат туриб қолган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 2627 соатга етди. Пировард натижада фабрика 11,5 минг сўм жарима тўлади. Вагонлар нормадаги 2,2 соат ўрнига, аслида 22,5 соатдан туриб қолган.

Сабабини суриштирганимизда, ижарага олинган темир йўл шохобчасида юк туширишга мўлжалланган қурилмалар йўқ экан. Шу сабабли вагонлар «Қодирия» станциясига келтирилади. Омборлар эса темир йўл шохобчасидан 100-150 метр нарида жойлашган. Келтирилган хом ашё асосан қўлда туширилиб олинади ва у машиналарда омборга ёки тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга келтирилади.

Шуниси ачинарлики, «Қодирия» ва «Келес» станциялари базаларида юк ортиш-тушириш учун мўлжалланган кичик ва катта механизация воситалари йўқ. Устига устак темир йўл шохобчаларида омборлар ва эстакадалар қурилиши жуда суст олиб борилаяпти. «Қодирия» станцияси базаларини қурилиши эса туя гўшти еган, мана бир неча йиллардирки, резинадек чўзилиб келади.

Қизиқ, нега энди «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикаси ўз «нони»ни яримта қилиб қўйибди? Юқоридаги станциялар-чи? «Тирикчилиги» шу бўлгандан кейин, нега энди юк ортиш-тушириш воситаларини соз қилиб қўймайди? «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деб бежиз айтмайдилар.

Тошкент тўқимачилик комбинати темир йўл хўжалиги бўлими (масъул — директор ўринбосари А. Икромов)да ҳам аҳвол бундан баттар. Корхона вагонларни нормативдан ташқари ушлаб, муллажирингдан чўзиб етибди. Ўтган йили 67 минг сўм жарима тўлади. Бугунги кундаги аҳвол жорий йилда бу рақам «рекорд» кўрсаткичга чиқишидан башорат қилаётгандай, Наҳотки, шундай улкан корхона ўз темир йўл бўлимида ишни тўғри йўлга қўя олмаса?

Бунинг учун озгина масъулият зарур. Юк ортиш-тушириш ишлари жараёнларини такомиллаштириш, кичик механизация воситаларини кўпайтириш керак. Ана шунда вагонлар қатор-қатор бўлиб, тошдек қотиб ётмайди.

Текшириш чоғида олтита тепловоздан иккитаси, бешта крандан учтаси бузилган экан. Тунда юк тушириш атиги 20—25 фоизни ташкил этади, холос. Юк туширувчилар ва ортувчилар сони ҳам штатдагига тўғри келмайди. 30 нафар юкчи ўрнига 22 киши, 24 шофёр ўрнига 18 ҳайдовчи ишлаяпти. Темир йўлакларнинг аҳволи ҳам ғоят аянчли, ўз вақтида ремонт қилинмайди. Хуллас, бу ерда камчиликлар бисёр...

«Ташремстрой» трестининг техник ишлаб чиқариш комплектацияси бошқармаси (бошлиғи Богдасарян)да, Сергели қурилиш материаллари ва конструкциялари заводи (директор ўринбосари И. Толстошеев)да, шампан винолари заводи (директор ўринбосари Ш. Отабеков)да, 2-ёғочни қайта ишлаш заводи (директор ўринбосари П. Синикиди)да ҳам аҳвол юқоридаги корхоналарникидан қолишмайди.

Вагон — бу хом ашё, вагон — бу ишлаб чиқариш, бўлажак маҳсулотни етказиб берувчи қимматбаҳо восита. Нега энди биз айрим кишиларнинг ўз ишига масъулиятсизликлари туфайли бу қимматбаҳо вагонларни тошдек қотириб туришимиз керак? Хўш, юқоридаги ташкилотлар қачонгача жарима тўлаш билан сувдан қуруқ чиқадилар?

К. СУЛТОНОВА.

Ечимини кутаётган муаммолар

ЁШ ТЎҚИМАЧИЛАР ЭЪТИРОЗЛАРИ

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг ишчилари масъулият ва интизом нималигини ўз бошларидан кечириб турибдилар. Ҳа, ижара пудратига ўтилди-ю ишчилар масъулият ва интизомнинг туб маъносини англаб етишди. Чунки ҳозир яроқсиз тайёрланган ҳар бир маҳсулот учун жарима тўлаш, ишга кечикиб келиш, айниқса 1 кунлик прогул қилгани учун 50 сўм тўлаш кўпчиликнинг кўзини очиб қўйди. Ҳатто шу пайтгача бирор марта планини бажаролмай келаётган ип-йигирув фабрикаси январь ойида топшириқни 101 фоизга бажарди. Бу жуда яхши кўрсаткич. Ойлик маошнинг тобора ошаётгани ҳам қувончли натижа. Буни ижара усулида ишлашнинг масъулият ва интизомнинг самараси деб баҳоламоқ керак.

Шу фабриканинг ишчиси Шаҳзода Қурбонова янгича усулда ишлашнинг афзалликлари ҳақида гапираркан, айни пайтда ишчи-ёшлар олдида кўндаланг турган муаммолар ҳақида куйиниб сўзлади.

— Биз ишлаётган машиналарнинг узлуксиз шовқини, қуюқ чанг жуда жонга тегди, — деди у. — Юқори даражадаги шовқин миямизни карахт қилиб, асабларимизни эговламоқда. Шовқин мусиқа эмаслигини, чанг эса ҳаво эмаслигини ажрата оладиган мутасадди раҳбарларимиз, инженер акаларимиз шовқин ва чанг ютгич мосламаларнинг тузукроқ ишлаши учун ҳафсала қилишмаяпти.

Бизнинг яшаш жойимизда, тўқимачилик комбинатининг 6-ётоқхонасида ҳам аҳвол чатоқ. Очиғи, нормал шароит йўқ десак бўлади. Масалан, ишдан соат 3—4 ларда ҳориб-чарчаб келамиз-да, бироз нафас ростлар-ростламас, овқат қилишга уннаб кетамиз. Ҳолбуки, бизнинг 6-ётоқхонамиз ва қўшни 14-ётоқхона орасида ишчилар ошхонаси 6 ой илгари туппа-тузук ишлаб турувди. Гарчи таомларнинг нархи кооператив касри уриб кўтарилиб кетган бўлса-да, ўша ошхона бизга сув билан ҳаводай зарур эди. Ахир, ўқишга ҳам ўз вақтида етиб боришимиз керак-да. Ётоқхонамизда яшовчиларнинг аксарияти талабалар эканини унутманг. Хуллас, ҳордиқ чиқариш, дарс тайёрлаш ўрнига овқат тайёрлаш билан оворамиз. Бунинг устига кошкийди, газ плиталарининг барча чироқлари ловуллаб турса, бор-йўғи битта ёки иккитаси ишлайди, холос. Бу деган узун навбат кутилади, дегани. Ҳали душ ва кир ювиш хоналаридаги жўмраксиз кранлар ҳақида-ку умуман гапириш бефойда.


Хуллас, ишчининг қуюнганича бор экан. Соат 6 да ташқарига чиқдим. Томошани ташқарида кўрдик. 6-ётоқхона яқинидан ўтувчи 32, 77э автобусларни, 11-троллейбусни кутаверіб кўзларимиз тўрт бўлди. Кечқурун, ўқишдан қайтишда-ку умуман аҳвол чатоқ экан.

6-ётоқхона буфети 4 йилдан бери ишламаётган, ёпиб қўйилган экан. У тезроқ ишга туширилиб, қани ери сут маҳсулотлари кўпроқ сотилса. Ҳар куни чанг ютадиган ишчиларнинг ўпкаларига бир оз бўлса-да дармон бўлармиди?! Бу муаммоларни ишчилардан Маҳбуба Азизова, ип-йигирув фабрикасининг йигирувчиси, 6 йилдан бери шу ерда меҳнат қилаётган, шу ётоқхонада яшовчи, Низомий номидаги педагогика институтининг талабаси Гулжаҳон Муродова, ип-йигирув фабрикасининг ишчиси, ТошДУ талабаси Рисолат Эшонқулова, Мавжуда Бойсунова ва бошқалар ҳам айтишди.

Ишчи қизлар бири олиб, бири қўйиб, дардларини тўкиб солишди. Уларга ёрдам бериш масъулияти ҳақида наҳотки ҳеч ким бош қотирмаётган бўлса?! Қанақадир кооператив ташкилотнинг «ремонти»дан кейин санитария хоналаридаги сув қувури мутлақо ишламай қолган. Бадбўй ҳид ҳаммаёқни тутиб кетган.

Муаммолар, муаммолар... Улар қачон ҳал бўларкин?

Ў. УРОЗОВ.



⊙ ИНСОН МЕҲНАТИ — УМР ЗИЙНАТИ. «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 34 йилдан бери ишлаётган матбаачи Ф. Иброҳимов ана шундай таърифга сазовор инсон. Р. Шарипов сурати.

Таъминотчи панд бермасин

Энгельс кўчасидаги ўн олти қаватли турар жой биноси қурилишини 11-«Висотстрой» трестининг махсус темир-бетон қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли А. Шофайзнев бошлиқ бригадаси олиб боряпти.

Қурилиш жабҳасида иш қизғин. Бинокорлар бинонинг 8-қаватида монтаж ишларини олиб боришмоқда.

— Қурилиш ишлари сифатини ошириш мақсадида ҳар бир имкониятни синчиклаб ўрганиб чиқдик, — дейди Асқар Шофайзнев. — Коллективимиз аъзолари ўз фаолиятларини, қайта қуришга жиддий киришганлар. Биз-ку, меҳнат унумдорлиги ва иш сифатини оширишга астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Аммо қурилиш суръатини бир маромда олиб боришимизда айрим камчиликлар учраб турибди. Масалан, бинони тиклаш учун махсус темир қолиплар керак. Буни Тошкент геология-қидирув тажриба-эксперимент-тал заводи тайёрлаб беради. Завод буюртмаларимизни кечикиб тайёрлаб бермоқда. Кейин бетон, қоришма билан таъминлашда узилишлар бўлиб турибди. Бир ойда беш-олти кун бетонсиз қоламиз. Булар ўз-ўзидан планга таъсир этмай қолмайди. Истагимиз шуки, таъминотчи ҳадеб панд бермаса ишимиз янада юришади.

Д. ОБЛАЕВ.



СОФИЯ. Болгария Халқ республикаси Давлат кенгашининг раиси П. Младеном умумиллий тусдаги энг етилган муаммоларни ҳал этишнинг ўзаро мақбул йўлларини белгилаб олиш мақсадида мамлакатдаги асосий сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари билан маслаҳатлашувни бошлади. Масалаларнинг учта гуруҳи — мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятга баҳо бериш, тангликдан чиқиш йўлларини излаш ҳамда Болгария Халқ Республикасида бундан буёнги демократик ўзгаришларни амалга оширишга турли партияларнинг қарашлари музокаралар марказида турибди.

Давлат бошлиғи биринчи навбатда БКП олий партия кенгаши президиуми кенгашининг раиси А. Лилов билан учрашди. Улар мамлакатдаги вазият тўғрисида фикрлашиб олдилар, бу вазиятни барқарор қилиш учун барча ижтимоий-сиёсий кучларнинг биргаликда ҳаракат қилиши зарурлигини таъкидладилар. Бундай маслаҳатлашувлар турли партиялар ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ётсиришни бартараф этишда муҳим роль ўйнаши, уларнинг тутган позицияларида умумий жиҳатларни топишга ёрдам бериши мумкинлиги айтиб ўтилди.

П. Младенов билан А. Лилов ўтаётган маслаҳатлашувлар миллий давра суҳбати ишининг ўрнини эгалламаслиги лозим, деб таъкидладилар. Бундай маслаҳатлашувлар мулоқотнинг мувофиқ шакли бўлиб қолиши керак ва улар маслаҳатлашув қатнашчиларига болгар халқи ва давлатининг гуллаб-яшнаши учун муҳим бўлган ҳаётий масалаларни ҳал қилишда умумий тил топишга ёрдам бериши мумкин. БКП раҳбари партиялараро алоқалар ғоясини юқори баҳолаб, партиянинг кенг мулоқот ва ҳамкорлик қилиш йўли ўзгармай қолаётганлигини уқтирди.

Болгария деҳқончилик халқ иттифоқи секретари А. Димитров билан учрашув чоғида мамлакатдаги аҳволни муҳокама қилар эканлар, томонлар буйруқбозлик-бюрократик системадан демократик граждан жамияти ва кўп партияли сиёсий системага ўтишнинг тинч характерини сақлаб қолиш танг вазиятдан чиқишнинг шартидир, деган бир фикрга келдилар. П. Младенов билан А. Димитров Болгариянинг келажаги учун демократия жараёнларини тез ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

П. Младенов мамлакатнинг сиёсий раҳбарлари билан маслаҳатлашувни давом эттирмоқда.

ПЕКИН. «Регионал» мухторият» Хитойнинг миллий масалалар бутун комплексини ҳал этишга асосий ёндашуви бўлиб қолмоқда. ХХР Давлат кенгашининг бошлиғи Ли Пэн миллий ишлар юзасидан бу ерда ниҳоясига етган кенгашда шу ҳақда гапирди.

Хитой ҳукуматининг бошлиғи ўз нутқида ХХР миллий сиёсати Хитой Компартиясининг кўп йиллик тажрибасига асосланаётганлигини таъкидлади. «Ушбу сиёсат Хитойдаги шарт-шароитларга тўла жавоб беради ва энг мақбул йўл ҳисобланади», — деди Ли Пэн. «У кенгаш қатнашчиларини кам сонли миллатларнинг қонуний ҳуқуқларини ва уларни иқтисодий ривожлантиришни ҳар томонлама рўёбга чиқаришга эришиш йўлида ҳаракат қилишга чақирди. Нотиқнинг сўзларига қараганда, миллий бирликни қўллаб-қувватлаш, мамлакатни бўлиб юборишга қаратилган ҳар қандай уринишларга қарши изчил кураш олиб бориш бу ишнинг энг асосий мақсади бўлиши керак.

Шу кунларда Хитой матбуоти «Тибетдаги аҳволни тартибга солишнинг янги режалари»ни қаттиқ танқид қилмоқда. Бу режаларни чет элда турган Далай-Лама таклиф этган эди.

Далай-Лама, деб ёзади «Бэйцзин ревью» ҳафтномаси, Тибет «мухторият ва сиёсий демократик тузилма» сифатида ХХР билан алоқа қилиб туришини айтди. Далай-Лама таклиф этган тузилмага кўра Тибет ҳукумати Тибет ва тибетликлар билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади, Хитой ҳукумати эса Тибет ташқи сиёсати учунгина жавоб беради ва у ерда ўзининг чекланган ҳарбий иншоотларини сақлаб қолади. Журнал бу таклифни Хитойнинг ажралмас қисми сифатида Тибетнинг мақомини ўзгартиришга уриниш, деб ёзади. Бу ҳукмдор билан унга тобе бўлган мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг хорижда аллақачондан бери тарғиб қилинаётган андозасига мос келади, деб ёзади «Бэйцзин ревью» ҳафтномаси. Мақолада Тибетни «демилитаризация ва нейтраллаштириш» ғояси рад этилади. Хитой ҳукумати бу таклифларни қабул қилмаслиги турган гап, деб таъкидлайди журнал.

БУХАРЕСТ. Руминия ҳукуматининг биносига кириб ур-йиқит қилган 100 дан ортиқ ўтакетган безори ушланди, деди бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида мамлакат ички ишлар министрининг ўринбосари Ж. Молдован. Айрим қўлга олинган одамлар намойиш бошланишидан олдин уларнинг ҳар бирига 300 лейдан пул бериб, ҳукумат биносига бостириб кирасиз, дейишганини айтишди. Бошқа безорилар эса ур-йиқитда иштирок этишгани учун чет эл сигареталари ва спиртли ичимликлар беришганини таъкидлашди. Майдондаги аксарият одамлар безориларни қўллаб-қувватлашмади, деди министр ўринбосари.

Гарчи миллий тотувлик муваққат кенгаши ишчиларга мурожаат қилиб, шу кунларда пойтахтдаги митингларга келмасликка даъват этган бўлса ҳам, турли уездлардаги минглаб кончилар Бухарестга қараб йўлга чиқдилар, улар «ҳукумат ҳамда миллий тотувлик муваққат кенгаши раиси И. Илиескуни ҳимоя қилиш» ниятидадирлар.

Ишчиларнинг ташаббуси билан ўнлаб корхоналарда митинглар ўтказилди, бу йиғинларнинг қатнашчилари жангариларнинг хатти-ҳаракатларини қоралашдилар.

(ТАСС хабарларидан).

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

⊙ Январь ойининг дастлабки кунлариданоқ «Узбексельмаш» бирлашмаси ҳовлисида янги кўрак чувиш машиналари турнақатор бўлиб тизилиб қолди. Янги йил арафасида ишчи чизмалари билан таниша бошлаган корхона азаматлари бугун уларни бекаму-кўст ишлаб чиқариш учун мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланмоқдалар.

Қуёш ёғдусида бўёқлари ярақлаб турган машиналарни кўриш қанчалик завқли бўлмасин, уни яратиш машаққатлари ҳам кўз олдингизидан ўтади. Шунда бенихтиёр йиғув цехига — машинани дунёга келтираётган азамат ишчилар ҳузурига ошиқасиз.

Машиналар «карвон»идан ўтиб, тўппа-тўғри 5-йиғув цехи томон юрдик. Эрта тонгданоқ ҳаёт қайнаган. Цехда бўш турган одамни учратиш маҳол. Ҳамма ўз иши билан машғул. Бир ёқадан бош чиқариб ишлаш, деган гапнинг маъносини худди шу ерда англагандек бўлдик. Бу ерда комплекс йиғув бригадаси аъзолари хизмат қиларкан. 5-цехнинг Ҳасан Турсунов бошлиқ бу участкаси корхонадаги пешқадамлар қаторидан муттасил ўрин олиб келган.

Цех бўйлаб юраркансиз, биров металл пармалаётганининг, яна биров зарур қисмларни келтириб, жойжойига қўяётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Янги машинани яратишдаги дастлабки жараён билан танишиш мақсадида жадаллик билан меҳнат қилаётган йигитлар томон яқинлашамиз.

Мурватларни бураш, эҳтиёт қисмларни монтаж қилиш каби дастлабки ишлар ишчидан ғоят катта ҳушёрлик ва маҳорат талаб қилишини ҳар бир ишчи яхши билади. Бу ҳақда йиғилишларда ҳам жуда кўп гапирилади.

Икки ишчининг ғайрат билан қилаётган меҳнати диққатимизни тортди.

— Анатолий Сидякин, — ўзини таништирди оқ-сариқдан келган йигит.

— Янги машинани яратиш қийин бўлмаяптими? — сўраймиз ундан.

— Қийинчиликлар оз бўлса ҳам бор. Янги техника аввалгисидан анча баланд. Шунинг учун олтита асосий барабанни ўрнатишда қийинчилик бўляпти.

— Нега? Уларни кўтариб берадиган мосламалар йўқми? — сўраймиз Анатолийдан.

— Ҳамма гап шунда-да, кўтариб берадиган мосламалар йўқ. Лекин бу ҳақда аввал ҳам гап бўлган эди. Негадир амалга ошмаяпти.

— Бизку анчагина бақувватмиз, барабанларни даст кўтариб монтаж қилиб қўяқоламиз, — дея суҳбатга қўшилди баланд бўйли йигит Пётр Шуликин, — аммо бошқалар қийналишаяпти-да.

Ҳа, янги техника тўла ўзлаштирилгунга қадар айрим қийинчиликлар рўй бериши табиий.

Бир дақиқа суҳбатдан сўнг бу икки азамат ишчи яна ишга киришиб кетдилар. Уларнинг маҳорати, меҳнатқаш қўллари билан қисмлари монтаж қилинган машиналар маълум кўринишга эга бўлиб борди.

— Мен ўн икки йилдан бери шу ерда ишлайман, — дейди биз билан суҳбатда П. Шуликин. — Ёрдамчи ишчи бўлиб келган эдим. Мана, ҳозир малакали йиғувчи-слесарман.

— Сизга ким устозлик қилган? — сўраймиз Пётрдан.

— Ким бўларди, мана шу рўпарангизда турган йигит Анатолий Сидякин-да. У ҳақиқатан ҳам менинг устозим. Чунки Анатолий корхонага мендан тўрт йил илгари келган. Мен машина тармоқларини созлашни ундан ўрганганман. Шунинг учун у билан фахрланиб, устозим, дейман.

Йиғув-слесарлик участкасидан чиққан машиналар яна бир карра бўялади, айрим тармоқлари ўрнатилиб, огоҳлантирувчи ёзувлар битилади. Қишлоқ хўжалик машиналарининг кўпчилиги хизмати каттадир. Ўн етти йилдан бери ўз касбини ардоқлаб келаётган Абдулла Ҳасанов, Людмила Семёнова, ўн йилдан ортиқ даврдан бери меҳнат қилаётган Люба Гаврилова каби бўёқчилар машиналарга пардоз бериш ишларини бажариб келмоқдалар. Уларнинг иш тажрибаси ҳақиқатан ҳам кўпчиликка ибратдир. Улар нормаларини мунтазам 100—110 фоиз бажармоқдалар.

...Йилнинг иккинчи ойи ҳам якунланай деб қолди. Бошқа маҳсулотлар қатори янги машинани ишлаб чиқаришни ҳам график асосида бажаришга ҳаракат қилишмоқда. Ўйлаймизки, азамат машинасозлар йил охиригача ўз зиммаларидаги вазифани албатта уддалайдилар.

П. НИШОНОВ.



Турли қиёфадаги Токио. Ю. Белинский (ТАСС) сурати.

Сўранг, жавоб берамиз

ИҚЛИМ ВА ИШ ҲАҚИ

Ҳурматли редакция!

Шимол ва унга тенглаштирилган районларда меҳнат қилаётганлар учун қандай имтиёзлар белгиланган? Урта Осиёда, Ўзбекистонда ҳам иқлим шароити иш ҳақи тўлашда инобатга олинадими? Шу хусусдаги имтиёзлар тўғрисида маълумот берсангиз.

Б. КАРИМБЕРДИЕВ.

Мамлакатимизнинг Узоқ Шимол районидаги Шимолий Муз океани ва ундаги денгизлар, барча ороллар, Беринг ва Охота денгизи ороллари, Магадан, Камчатка вилоятлари, Мурманск, Ёкутистон, Асей ва Архангельск, Коми АССРнинг, Тюмень, Красноярск ўлкасининг, Иркутск, Хабаровск ва Сахалин вилоятлари айрим районларининг иқлими совуқ иқлим ҳисобланади. Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойлар рўйхатига СССРнинг Европа ва Осиё қисмидаги яна бир қанча районлар киради. Бу жойларда Шимол имтиёзлари жорий қилинган. 1970—1975 йилларда Узоқ Шимол районларига тенглаштирилган жойлар жумласига БАМда қурилган районлар, Комсомольск-Амур шаҳри, Хабаровск ва Приморье ўлкасининг бир қанча районлари киритилди.

Узоқ Шимол районлари ва уларга тенглаштирилган районларда давлат, кооператив ва жамоат муассасаларида, корхоналарда ва ташкилотларда ишлайдиган шахсларга меҳнат соҳасида бир қанча имтиёзлар берилди. Жумладан: 1. Узоқ Шимолда ишлаш тўғрисидаги муддатли меҳнат шартномасининг тузилиши, қайта тузилиши ва бекор қилиниши билан боғлиқ бўлган имтиёзлар; 2. Иш ҳақи бўйича бериладиган имтиёзлар; 3. Отпускалар бўйича бериладиган имтиёзлар; 4. Давлат социал суғуртаси ва пенсия таъминоти бўйича бериладиган имтиёзлар; 5. Турар жой масаласидаги имтиёзлар.

Шимол районларида, яъни Чукотка автоном округида, Магадан вилоятининг шимолий Эвен районида, Камчатка вилоятининг Коряк автоном округида ва Алеут районида, шунингдек Шимолий муз океани ва ундаги денгизларнинг (Оқ денгиздан ташқари) ороллари да ишлаганлик учун берилади ган устама ҳақлар ойлик маошига нисбатан қуйидаги миқдорда белгиланган:

а) биринчи 6 ойлик иш муддати ўтиши билан маошнинг 20 фоизи, кейинги ҳар бир 6 ой учун яна 10 фоиздан кўпайиб боради (устамаларнинг умумий миқдори маошнинг 100 фоизидан ёки ойига 300 сўмдан ортиб кетиши мумкин эмас);

б) Узоқ Шимолнинг қолган районларида биринчи 6 ойлик муддати ўтгач 10 фоиздан кўпайиб боради, Лекин устаманинг умумий миқдори иш ҳақининг 80 фоизидан ёки ойига 240 сўмдан ортиқ бўлмаслиги керак.

в) Узоқ Шимол районига тенглаштирилган жойларда ҳар бир иш йили ўтгунча маошнинг 10 фоизи ҳажмида кўпайиб боради. Лекин устаманинг умумий миқдори иш ҳақининг 50 фоизидан ёки ойига 150 сўмдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Шимолий районларда меҳнат отпускасига оид имтиёзлар ҳам талайгина. Жумладан, бу районларда 18 иш кунидан иборат қўшимча дам олиш куни, Узоқ Шимолга тенглаштирилган районларда 12 иш кунидан иборат қўшимча отпуска берилади.

СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1989 йил 22 августидаги қарорига биноан фарзандлари бир ёшга тўлгунча аёлларга қисман ҳақ тўланадиган отпускалар берилиши амалда жорий қилина бошлади. Ушбу қарор Узоқ Шарқ ва Сибирь, мамлакатнинг Шимол районларида 1989 йилнинг 1 декабридан кучга кирди.

Хуллас, Шимолда меҳнат қиладиган ишчи ва хизматчиларга ана шундай қулайликлар мавжуд. Бундай қулайликларнинг яратилиши мақсадга мувофиқ, албатта. Лекин шу билан бирга Урта Осиё иқлимини ўрганиш ва иссиқда меҳнат қилаётганларнинг имтиёзларини Шимол районларидаги билан тенглаштириш мақсадга мувофиқ бўларди. Ахир, ўйлаб қаралганда Шимол меҳнаткашлари очиқ ҳавода эмас, балки иситилган хоналарда ишлайдилар. Урта Осиёда эса деҳқонлар жазирама иссиқда тер тўкадилар. Ўйлаймизки, жумҳуриятимиз Олий Совети депутатлари ҳамюртларимиз ижтимоий шароитни яхшилашга қаратилган тадбирлар қатори иссиқлик ҳарорати юқори жойларда яшовчилар учун ҳам имтиёзлар яратишга интилишлари зарур.

А. ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.



Хизматлар қалай, юртдошим?

Репортаж

⊙ Ўзбекистон ССР Қонунининг 60, 61-моддаларида шундай сўзлар ёзилган: «Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизмат қилиш — Ўзбекистон жумҳурияти фуқароларининг фахрли бурчидир». Ана шу бурчни аъло даражада адо этиш кўпгина омилларга боғлиқ. Айниқса, снёсий-тарбиявий ишларнинг тўғри, замон талабига мос ҳолда олиб борилиши яхши натижалар беради. Шу қатори Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизмат қилиш — тўғри талқин қилиниши ҳам муҳимдир.

Байрам арафасида хизмат юзасидан Москва шаҳрида бўлган жамоатчи мухбиримиз редакция илтимосига кўра қуйидаги репортажни уюштириб қайтди.

ВАТАНИМИЗ пойтахтидаги бу. ҳарбий қисм қурилиш қўшинларига қарашли экан. Дастлабки суҳбатимиз капитан Валентин Иванович Швец билан бўлди.

— Қисмимиз, асосан турар жой бинолари қуриш билан шуғулланади, — деди у. — Шу билан бирга ҳарбий машғулотлар ҳам ўтказилади. Бизда бир қанча ўзбек миллатига мансуб йигитлар хизмат қилишаяпти. Улар меҳнатсевар, бошқа миллат вакиллари билан алоқалари ёмон эмас.

Суҳбатдан сўнг Валентин Иванович мени аскарлар ҳаёти билан яқиндан таништириш мақсадида лейтенант Николай Станиславович Дёмин билан юзлаштирди. Биз йўлак бўйлаб юриб, ёғочдан қурилган бир қаватли бинога кирдик.

— Мана шу ерда аскарлар яшашади, бўш вақтларини ўтказишади, — дея сўз бошлади рота командири. — Мен аввалига бошқа жойда командирлик қилардим. Бор куч-ғайратимни сарфлаб энди оёққа турғазганимда шу ротага ўтказишди. Мана уч ойдирки, қўл остимдагиларга меҳнат, Ватанга муҳаббат ғояларини сингдиришга ҳаракат қиляпман. Ҳаёт тажрибам ҳали оз, эндигина 23 ёшга кирдим. Ёш бўлганим учун ҳам уларнинг дардларини тезроқ тушунаман. Ахир ротамда 25 миллат вакиллари хизмат қилишади. Шулардан олти нафари ўзбеклар.

Очиғини айтиш керак, қайта қуриш, ошкоралик армиямиз ҳаётига секинлик билан кириб келяпти. Лекин, ҳар бир масалани биргаликда ҳал қилиш одатимиз бор. Рота старшинаси эндигина бир йил хизмат қилган, кабардинлик сержант Заудин Арамишев. Кичик командирларимиздан, бўлим бошлиғи ефрейтор Комил Каримбеков чимкентлик ўзбек. Жуда интизомли, ўз ишини пухта билади. Яна улар қаторига оддий аскарлардан самаркандлик Чоримурод Хонов, тошкентлик Ҳамдам Муслимов ва Фарҳод Солиҳовлар ҳам киради. Хоҳласангиз улар билан сўзлашишингиз мумкин.

Қурилиш қисмларида хизмат қилаётган йигитлар уйларига яхши ҳунар эгаси бўлиб қайтишади. Шинам, озода ётоқхоналарни кўздан кечирар эканмиз, барча ремонт ва жиҳозлаш ишлари уларнинг ўз қўллари билан қилинганини кўрдик. Ишдан чарчаб келган аскарнинг кўнгилли дам олиши учун барча шароитлар мавжуд.

Хонага истараси иссиққина йигит кириб келди. У билан саломлашдик.

— Хизматлар қалай кетаяпти, қийналмаяпсизларми? — сўраймиз ўзини Комил Каримбеков деб таништирган йигитдан.

— Сиздан Ўзбекистон нафаси сезилиб турибди. Гапнинг ўғил боласини айтганда, хизматнинг қандай ўтиши аввалambor ҳар бир аскарнинг ўзига, аниқроғи иродаси, тиришқоқлигига боғлиқ. Масалан, кавказлик ва украиналик йигитлар бир-бирлари билан доим ҳамдард. Ўзбеклар улардан ўрнак олишлари керак. Ҳар биримиз бурчимизни адо этиб, хонадонимизга очиқ чеҳра билан бориш ниятидамиз. Кечирасиз, энди навбатчиликка боришим керак...

Тошкентлик Ҳамдам Муслимовнинг айтишича хизматнинг дастлабки дамларидан бир оз қийналган. Ҳозир эса ишлари яхши, армия ҳаётига анча кўникиб қолибди.

Ҳарбий қисмдаги ўзбек йигитлари бурчларини қандай бажараётганлиги билан яқиндан танишгач, улардан кўнглимиз тўлди. Қисмда тартиб-интизом яққол сезилиб турибди. Юртдошларим билан хайрлашиб ташқарига чиқанимда кун кеч бўлиб қолганди. Ҳовлида командирларнинг буйруғи эшитилди:

— Рота кечки овқатга сафлан!...

Х. АБДУМАЖИДОВ.

23 февраль — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

Мусо Жалилга бағишланди

⊙ БИЛИМЛАР уйида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, татар шоири Мусо Жалил хотирасига бағишланган адабий-мусиқавий кеча ўтказилди. Ўзбекистон ССР халқ шоири Асқад Мухтор татар шоири М. Жалилнинг босиб ўтган йўллари ҳақида сўзлаб берди. Кеча охирида «Татар—89» Бутуниттифоқ конкурси совриндори «Сабантўй» татар вокаль эстрада ансамбли концерт намойиш қилди.

О. МАХМАЮСУПОВ.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

Йўлларига интизор

1941 йил. Тошкент Медицина институти рентген клиникасининг аспирантиман. Икки йил деганда «Бўғма касалида зотилжамни рентген нурлари ёрдамида аниқлаш диссертациямни ёзиб бўлдим. Клиника раҳбарлари бир оғиздан мени Москвага бориб, устоз рентгенологлар билан яқиндан танишиб келишимни лозим топишди. Таклиф жуда маъқул тушди ва қачон жўнашимни сабрсизлик билан кута бошладим.

22 июнь куни Заҳдаги боғимизда дам олиб, кечқурун велосипедда яна шаҳарга қайтиб келдим. Одамларнинг авзойи негадир бузуқ эди. Биринчи учраган танишимдан сўрадим:

— Нима гап, тинчликми ўзи?

— Эшитмадингми, Гитлер баччағар бизга қарши уруш бошлабди.

— Наҳотки?

— Ҳа, радиода эълон қилишди...

Эртасига институтда ҳам дув-дув гап. Пешинга борар-бормас митинг ўтказилди. Босқинчиларга қарши курашишга қатъий келишиб олгач тарқалдик. Уз ихтиёри билан ҳарбий хизматга жўнаганлар ҳам бўлди. Мени ўзимизда ташкил этилган ярадорлар госпиталига рентгенолог этиб тайинлашди.

Бир куни клиникамизнинг иккинчи аспиранти Сандазим Носиров «Повестка олдим. Юр, ҳарбий комиссариатга бирга борамиз», — деб тўппа-тўғри уйимга кириб келди. Кўзим оғриб, ишга чиқолмай ўтирган кунларим эди. Сандазим (асли каллахоналик) кўзимга дори томизди, сўнг қора кўзойнак тақтириб, «марҳамат» дея кўчага чорлади.

Октябрь район ҳарбий комиссариати Эскижувадаги хотин-қизлар клубида иш бошлаб юборган эди. Маълум бўлишича, Бухоро отлиқ аскарлар дивизиясига шифокорлар керак экан. Носировнинг тавсияси билан мени ҳам рўйхатдан ўтказишди. Эртасига, яъни 16 декабрда поездга ўтириб, Бухорога жўнадик. Бир кунда шундоққина Лаби Ҳовуз ёнида жойлашган штабга келтиришди. 101-отлиқ дивизиянинг командири Волков, комиссар Маҳмуджон Яҳёбоев келишган ва сўзамол йигитлар эди. Ҳарбий санитария хизматининг бошлиғи Носир Турсунов эса ўзимизнинг институтда ўқитувчилик қиларди. Носир ака ёқасида шпали бор ҳарбий кийимда. Демак у учинчи ранг ҳарбий врачи. Суҳбатдан сўнг мен Ғиждувон отлиқ аскарлар полкига кичик врач, Сандазим Ромитон отлиқ аскарлар полкига катта врач этиб тайинланди. Фурсатдан фойдаланиб Бухорони бир айланиб чиқдик.

Эртаси куни Ғиждувонга жўнадим. Бу шаҳар обод ва кўркам эди. Раҳбар ходимлар полк штабига марказдан иккита бино ажратиб беришибди. Тўртта батальон тўрт даҳада машғулотларни бошлаб юборишган эди.

От парвариши, уни совутиш, эгарлаш, юриш, чопиш, сакраш, шунингдек ханжар, қилич ва найза билан душманга ҳамла қилиш, тўппончадан ўқ уза билиш машқлари айтишга осон. Баъзилар эплолмай, отдан думалагани думалаган. Эгар эса отнинг қорнига келиб қолади. Агар эҳтиёт бўлмаса «кавалерист»нинг ўт-бети синиб кетиши ҳеч гап эмас. Биз, врачлар аскар ва офицерларнинг соғлиғини сақлашдек муҳим иш билан кечаю-кундуз бандмиз. Одатда оғир касалликлар (зотилжам, ангина, бод) ва синди-чиқдиларга дуч келардик.

1942 йил 23 февралда полкда жиддий машғулотлар ўтказилди. Кўрикда муваффақиятли қатнашганлигим учун мени учинчи ранг ҳарбий врач унвони билан тақдирлашди.

Июнь ойига келиб полкда машқлар тугади ҳисоб. Фронтга отланар эканмиз, Ғаллаосиёга кўчиб келдик. Мени негадир, Сталинобод ҳарбий комиссариатига чақириб қолишди. Кейин билсам, фронтнинг отлиқ қисмларига от етказиб беришимиз керак экан. Сталинободда чопқир отлардан 200 тасини зудлик билан вагонларга жойладик. Уларнинг ҳар бирида олтитадан от ва шунга яраша отбоқар бор эди. Мен эса эшелон врачи. Саратов ва Воронежда ҳашаматли бинолар, ҳатто шаҳар боғлари ағдар-тўнтар бўлиб ётибди. Осколка парчалари улкан дарахтларни ҳам аямай, чўрт бўлиб ташлаган.

12 июлда Поварено станциясига яқинлашдик. Кун қорайди. Нима учундир станция бизнинг эшелонни қабул қилмади. Ярим тунда тепамизда душман бомбардимончи самолётлари учиб ўта бошлади. Шу ондаёқ тревога гудоклари эшитилди. Шаҳар устига самолётлардан тушаётган прожектор нурлари ҳаммаёқни ёп-ёруғ қилиб юборган эди. Биз вагонлардан чиқиб, энди атрофга тарқалганимизда бомбардимон авж олди. Уз навбатида зенитчиларимиз тўпларидан ўқ уза бошладилар. Шу пайт самолётлардан бирига ўқ тегиб, осмонда «ялт» этиб бамисоли қуёш ёришди, бир зумдан сўнг кетма-кет гумбурлаб портлаш эшитилди. Таҳликага тушган бошқа «қузғун»лар бомбаларни бетартиб ташлаб, тезда ғойиб бўлдилар. Станцияни вагондаги отларнинг кишнаши, чинқириши, депсинишлари тутиб кетган эди. Бир қанча ташвишлардан кейин уларни охирги манзилга — Борисоглебга олиб бориб топширдик...

Бу кўрганларим босиб ўтилган оловли йўлларнинг бир бўлаги, холос. Байрамларда жанг лавҳалари, Бухоро, Сталинобод ва Борисоглебликлар қуролдошларимни эслаб тураман. Кўз олдимга Житомир, Харьков, Киев каби шаҳарларни озод этишда фаол қатнашган отлиқ аскарларимиз келади. Ҳануз бедарак бўлган Валижон Иззатуллаев, Сандолим Носиров ва бошқа жанговар дўстларимни хотирлаб, йўлларига интизор қарайман...

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, тиббиёт фанларн номзоди.



⊙ ЖАНГ ХОТИРАЛАРИ

— Клубда Жаъфар ака билан учрашув бўлар экан, болалар, юринглар борамиз...

Истеъфодаги катта лейтенант Жаъфар ака Анваровни болалар ҳар доим ана шундай қувонч билан кутиб олишади. 1, 2, 4-Украина фронтларида жанг қилиб, Берлин остонасига борган ҳамшаҳримиз фашист газандаларига қарши жон-жаҳди билан курашди. Мардлиги учун бир неча жанговар орденлар ҳамда кўплаб медаллар билан тақдирланган.

Жамоатчи сураткашимиз Х. Шодиев тасвирга туширган ушбу суратда Жаъфар ака Анваровнинг Октябрь районидаги 186-мактаб ўқувчиларига ўз хотираларини гапириб бераётган пайти акс эттирилган.

АЗАМАТ ПУЛЕМЁТЧИНИ ТАНИЙСИЗМИ?

СССР Мудофаа министрлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архиви ўқув залида 107-ўқчи дивизияда чиқиб турган «За Родину» газетаси тахламасини кўздан кечириб ўтирган эдим. «Қаҳрамон пулемётчи Убай Асқаров 20 фашистни яксон қилди» сарлавҳали мақолага кўзим тушиб қолди. Мақола газетанинг 1943 йил, 21 июль куни чиққан 76-сонидан ўрин олган эди.

«Сержант Убай Асқаровни севимли Ватани учун жанг қилишдан ҳеч нарса тўхтата олмайди, — деб бошланади, муаллифи капитан Ф. Конягин бўлган ушбу мақола. — У ўз пулемёти билан доимо энг хавфли жойларда бўлади. Фашист пиёдалари жангчиларимизни қанотдан қисиб келаётган эди. Асқаров буни дарҳол пайқади ва пулемётини гитлерчиларга йўналтириб, 20 фашистни ер тишлатди».

Газета тахламасини варақлашни давом эттириб 1943 йил, 26 август сонидаги «Ўзбек халқининг муносиб ўғлони» сарлавҳали яна бир мақолани учратиб қолдим. Ундан айрим жойларини келтирмоқчиман. «Убай Асқаров фронтга узоқ Тошкентдан келган. Биринчи жангда 40 гитлерчини қириб ташлагани унга жиддий имтиҳон бўлди. Мардлиги ва довюраклиги учун қўмондонлик бу жангчини «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлади».

Азиз тошкентликлар! Юқорида тилга олинган дивизиянинг 504-ўқчи полкида хизмат қилган Убай Асқаровни танийсизми? Балки у ҳақда бирон нарса эшитгандирсиз? Билганларингизни бизга маълум қилишингизни сўраймиз.

М. ҚАМАДОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган журналист.

Республика янгиликлари

⊙ КЕЛЕС ва Ўзбекистон станцияларн оралиғидаги темир йўл участкасига эндилиқда фақат электровозлар хизмат кўрсатадиган бўлди. Тепловозлар эса Бухоро ва Самарқанд йўналишидаги поездларга хизмат кўрсатиш учун жўнатилди. Магистрални электрлаштиришнинг афзалликларн равшан кўриниб турибди: поездларнинг тезлиги ошди, йўллар қўпроқ составларни ўтказадиган бўлди, дизель ёнилғиси тежалиб, хизмат кўрсатиш ишончлироқ бўлиб қолди. Бу экология жиҳатидан, ҳам фойдалидир — атмосферага чиқариб ташланадиган зарарли чиқитлар йўқ. Бу ёнл Ўзбекистон станциясидан Ховосгача бўлган йўлни электрлаштириш ниҳоясига етказилади.

⊙ ФАРҒОНА шаҳар тез ёрдам станциясининг травматолог шифокори Александр Балнкин лат еган ёки шикастланган касалларни даволаш мақсадида компрессион — дифракцион аппаратни ишлаб чиққанлиги ва тайёрлаганлиги учун СССР Халқ Хўжалиги Ютуқларн Кўргазмасининг кумуш медали ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Ихтирочи шифокор яратган аппарат ёрдамида синган суякларни тезлик билан аниқлаш мумкин. Бу аппарат инсбатан оддий йўл билан тайёрланган ва жуда енгилдир. Москва ва Фарғона даволаш муассасаларида ўтказилган синовлар Балкининнинг аппарати қўлланилиши натижасида насалларни даволаш муддатини анча қисқартириш, операциядан кейин юз берадиган ноҳуш ходисаларни бир мунча камайтириш мумкинлигини кўрсатди.

Травматолог шифокорлар аппарат бизга жуда керак, деб айтишмоқда. Лекин СССР Соғлиқни сақлаш министрлигн уни кўплаб ишлаб чиқариш ва табобатда кенг қўллш тўғрисида қарор қабул қилишни чўзиб юбормоқда.

⊙ НУКУС жумҳурият нашриётлар саройида бўлган кўрикда шаҳарнинг энг яхши чеварлари болалар кийимларн турнумини намойиш этдилар. Намойишда Нукус мактабларининг ўқувчилри ва Ҳамза номидаги Хўжайлн болалар уйининг тарбияланувчилари қатнашдилар. Айни вақтда саройда хўжайлилик ёш чеварлар ишларининг кўргазмаси очилди. Модалар байрами болалар ва ўсмирлар кийими ҳамда «Мода ва болалар» пойабзали Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтказилди. Фестиваль бу йил Ленин номли Совет болалар фондининг ташаббуси билан ўтказилмоқда.

Шаҳар ва район мусобақаларининг голиблари февраль охирида Нукусда бўладиган жумҳурият конкурсида қатнашадилар, — деди Совет болалар фонди қорақалпоқ бўлимининг ходимаси М. Кузнецова. — Ҳозир Қорақалпоғистоннинг барча катта шаҳарларида дастлабки кўргазмалар бўлмоқда, кийим-кечакларнинг энг хушбичимлари танлаб олинмоқда. Жумҳурият конкурсининг голиблари фестивалнинг 25 мартдан 31 мартгача Ленинградда бўладиган якунловчи босқичида қатнашадилар.

Фестиваль программасига биноан болалар ваа ўсмирлар кийими ҳамда пойабзали, тўқимачилик материалларн, турли чизмалар, муаллифлнн мажмуаларн ижодий конкурсини ўтказиш назарда тутилган. Болалар буюмларини ишлаб чиқарадиган энг яхши корхоналар учун конкурс алоҳида ўтказилади.

⊙ «ОРОЛ ЯШАЯДИ» — қорақалпоқ композитори Ғомб Демисинов ва шоир Толибой Қобулов ўз вокал квартетларига шундай ном бердилар. Ушбу мусиқа асарн Қорақалпоғистон АССРнинг Хоразм вилоятида ўтган маданият кунларида биринчи марта ижро этилди.

Амударё қуйи оқимининг аҳолиси ўз зангори экранларидан ана шу музиканн тингладилар.

Асар биринчи марта ижро этилганидан кейин, унинг муаллифларига жуда кўплаб хатлар кела бошлади. Бу эса асарнинг мавзун ниҳоятда долзарблигидан далолат беради. Ижодий ҳамкорликни 25 йилдан сўнг қайта бошлаган квартет яратувчиларининг ўзлари ҳам, уларнинг сўзларига қараганда, бундай муваффақиятни кутишмаган эди.

(ЎзТАГ).

Оила одоби

ОРМИ?

ҲУЗУРЖОН Сафоевни яна маҳалла комитетига чақиртиришди. Биладики, ўғли масаласида. «Нега тушунмадим бу-а; ҳам педагог, ҳам маҳалла оқсоқоли-ку, — ўйлади у ғижиниб. — Нима учун давлат мактаблар яратиб қўйибди. Ахир, ҳамма жойда ҳам план талаб қилинади-ку. Мактабларда ҳам қанча болани тарбиялаш ҳақида план бордир. Ҳадеб ота-онага тўнкайвериш одобдан эмас-да энди».

Шундай «асосли» ўйлар билан у маҳалла идорасига етиб келганини ҳам сезмай қолди.

— Ўзингизга маълум, — деб сўз бошлади маҳалла комитети раиси Султонмурод Асфандиёров, — ўқувчининг кўп вақти мактабдан ташқарида ўтади. Бу вақт ўртача 85 фоизни ташкил қилади. Шундай бўлгандан кейин мактабдаги тарбия қанчалик муҳим бўлса, оила тарбияси бундан ҳам муҳим эканлигига тан берасизми-йўқми? — У бориб дераза пардасини очди. — Агар бири сал бўшашса, унинг мактабда эшитган гаплари у қулоғидан кириб бу қулоғидан чиқиб кетаверади. Ҳа, биз ўқни нишонга эмас, ҳавога отган бўламиз. Мерганлар ўнликка уришади, биласиз, — деди Ҳузуржонга ўгирилиб, — назаримда оила ана шу ўнликни ташкил этади. Келинг, ўғлингиз ҳақида, шу масалада бир гаплашиб олайлик. Хўш, ўғлингиздан: «Қўчада бугун кьм билан, нима ҳақда гаплашдинг» деб сўраганмисиз ҳеч?

— Нима, кунимни тергов билан ўтказайми, ё бола-чақа боқайми? — пўнғиллади Ҳузурбек. — Тарбия-тарбия дейсиз-у, аввало каланинг учини топиб олиш керак. Ҳозир Криловнинг машҳур масали эсимга тушди: балиқ, чўртанбалиқ, оққуш аравани уч тарафга тортадию, ҳеч силжитолмайди. Шунга ўхшаб...

— Калаванинг учи онлада, қолаверса сизда! — деди раис бирдан тутоқиб, — сал кайфиятингиз бузилса, аламингизни ундан оласиз. Фарзанд-ку хўб, сизники, аммо мулкингиз эмасу! Аввал бир ўзингизни тийиб, тарбиялаб олсангиз чакки бўлмасди!

Ҳузурбек мум тишлаб қолди.

— Қийин-қийин ота-онага қийин бўп қолди. Ҳам боқайлик, ҳам катта қилайлигу, яна бунақа гапларниям кўтарайлиқми? Тарбияни мактаб берсин-да, ойликни жарақ-жарақ олгандан кейин, — узиб олди Ҳузуржон.

— Ҳамма бало сизда экан! — деб гапни чўрт кесди раис.

— Қўйсангиз-чи! — қўл силтади Ҳузурбек. — Ундан кўра ўзимизни тарбиялайлик денг, ўғил бола гап бўлади, бу! Уйида туппа-тузук, кап-катта одамлар кўчада нималар қилишини биламиз-у, сиз тағин она сути оғзидан кетмаганлар ҳақида гапиряпсиз. — Шундай дея ота хонадан чиқа бошлади.

— Ана шунақа болаларга етти маҳалла — ота-оналик қиляпти! — деб унинг ортидан қичқириб қолди раис. — Сиз битта тантиқ болангизни йўлга солишга қийналяпсиз, биз 5 минг кишилик маҳалла фарзандларини тарбиялаяпмиз! Менинг бир ўзим агар фил бўлсам ҳам шунча одамга тақсимланг-чи, кучим кимга етаркин? Суф-е, раҳмат ўрнига...

* * *

— Вой, бу ўғлингизни бугун қилган жанжали! — деди хотини у уйига кириши биланоқ. — видеомагнитофон олиб берасан, деб шу оёғини тираб туриб олса бўладими? Қаёқда юрибсиз? Ҳўп, аданг келсин, гаплашаман, дедим. «Бизнинг компанияда фақат менда йўқ», дейди. Мода-мода! — такрорлади она, — ёшларни шу бузяпти, адаси. Намунча эт-устихонга ёпишган шим, ялтироқ уст-бош, магнитофонга ўч бўлмаса булар?

— Орзу ҳавас-да, замонасига яраша, ўйнасин-кулсин, қўявер! — аламидан шундай деди ота. — Биз кўрган қийинчиликни улар кўрмасин. Кунжара еган пайтларимиз бўлган, қўявер, худога шукур, қаёққа қўл узатсак етади.

— Аммо мода қурғурниям охири йўқ-да, адаси. Бугун биттаси чиқса, эртага бошқаси чиқади яна.

— Қўявер, парво қилма, — деди Ҳузурбек, сўнг бирдан ҳушёр тортди. — Нима, ҳамма тенгқурлари кийганда ўғлимиз мунғайиб юрсинми? Шуни хоҳлайсанми? Одамлар: «Ана, отанинг савлатини кўр-у, ўғлининг аҳволини кўр» дейишмайдими? Ор қиламан, тушунасанми, ор!

Ҳамид ИКРОМОВ.



⊙ «ЗАВҚЛИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШҒУЛОТИ». М. Нуриддинов сурат лавҳаси.

Чайқовчиликка—чек қўяйлик

Тунги «савдо бозори»

⊙ СССР Олий Советининг «Жиноятчиликка қарши курашни қатъиян кучайтириш тўғрисида»ги қарорида «Тергов органлари ва судлар зиммасига қонунларда кўзда тутилган муддатларга қатъий амал қилган ҳолда қароқчиларча ҳужум, талончилик, ҳар хил ўғирликлар, зўрлаш, наркотик моддалар билан савдо қилиш, чайқовчилик ва бошқа жиноятларни иложи борича қатъийлик билан кўриб чиқиш мажбурияти юклансин», дейилади. Ушбу мақоламизда юқорида санаб ўтилган жиноят турларидан фақат биттаси — чайқовчилик ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Яқинда Собир Раҳимов районида ғалати суд бўлди. Унда Акмал Икромов районида жойлашган «Зар» кооперативи ишчиси Ҳамроқул Жўрабековнинг жиноий иши кўрилди. Судга раислик қилувчи Х. Қудратов тўпланганларга ҳукмни ўқиб эшиттирганда, залда қарсаклар янгради. Албатта, буни жиноятга баҳоли қудрат баҳо бераётган кишиларнинг суд ҳукмини оқилона кутиб олганликларининг белгиси деб тушунмоқ керак. Хўш, ушбу суд ҳукми нега хушнудлик билан кутиб олинди? Сабаби, оддий деҳқон ва меҳнаткашнинг нонини туя қилувчи чайқовчиларга қарши халқ нафрати кун сайин ортиб бораётганлигида. Бирни иккига тўғрасаётган олибсотар, чайқовчилар билан бундан буён келишиб бўлмасликнинг ифодаси бу.

Судланувчи Ҳ. Жўрабеков тинч, осуда ишларди. Топганига қаноат қилиб яшарди. «Чиллаки чиллакини кўриб чумак ургандек» у ҳам ён-атрофдагиларнинг қинғир ишидан «илҳом» олди. Мўмай пул топиш йўлига кирди. Шу мақсадда йўловчи машинада Чимкент областига бориб, ҳар бири 55 тийиндан турадиган 50 шиша пивони кўтарасига сотиб олиб, Тошкентга келтирди. Шу куни 2-Қорақамиш даҳасининг 5-мавзесида жойлашган универсал магазинида ҳар бири 46 тийиндан турадиган «Жигули» пивосидан 150 дона харид қилди.

Кечаси соат 22.30 да эса Сағбон кўчасининг Қўштут бекатида бу пиволарнинг ҳар бирини бир сўмдан, Чимкент пивосини эса икки сўмдан пуллаб турганида қўлга тушди.

Суд уни бир йилу олти ойга мажбурий меҳнатга жалб этиб, унга қарашли мол-мулкни давлат фойдасига мусодара қилишга ҳукм чиқарди.

Башорат Юсупованинг ҳам суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур этган нарса чайқовчилик бўлди. У ҳали пенсия ёшига етмаган бўлишига қарамай, ҳеч қаерда ишламайди. Оила тебратиш учун эса пул керак. Шу мақсадда у текин даромад топиш йўлига кирди. Б. Юсупова Эски шаҳарга жойлашган магазиндан бир йўла 10 шиша арақ сотиб олди. Қутиси 50 тийиндан турадиган «Родопи» маркали сигаретдан 50 дона ҳамда 73 шиша пиво харид қилди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, серхарид шунча «мол»ни сотувчи қандай қилиб Б. Юсуповага сотди экан. Бунинг устига харидорларнинг кўз ўнгида-я! Бунга ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди. « Сиздан утина, биздан бугина», деган калимани ўша сотувчи ва харидор ёдлаб юборган кўринади. Минг афсуски, шу қилмишлари билан кўпчилик сотувчилар чайқовчиликка кенг йўл очиб беришяпти. Юсупова билан ҳам шундай ҳодиса рўй берди. У осон йўл билан қўлга киритган маҳсулотларни устама нарх билан сотаётганда қўлга олинди.

Бозорларимиз ҳамиша харидорлар билан гавжум бўлади. Улардан қайси бирига қадам ранжида қилсангиз, харидор билан сотувчи орасидаги қуйидаги тортишувнинг гувоҳи бўласиз.

— Картошка неча пул?
— 1 сўм.
— 80 тийин бўлмайдими?
— Йўқ!

Қолган сабзавот маҳсулотларининг устида ҳам шу каби тортишув.

Харидорлар билан суҳбатлашсангиз, улар бозордаги қимматчиликдан нолишади. Бунинг устига бозордан «бошпана» топган баъзи кимсалар ҳам борки, улар меҳнаткашнинг қўлидаги пулини юлиш пайида. Улар эрталабдан ишга шошилиб турган деҳқондан маҳсулотни арзон нархда кўтарасига харид қилиб, кечгача майдалаб сотишади. Шу йўл билан сунъий танқислик ва қимматчилик туғдиришади.

Шаҳримиздаги барча бозорларда бундай шахсларни учратишингиз мумкин. Қизиғи шундаки, улар энг гавжум харидоргир жойни ўзларининки қилиб оладилар. Уларнинг ёнига бироита деҳқон яқинлашиб кўрсинчи. Бироқ кўра-била туриб, бундайларнинг мушугини «пишт» дегувчилар топилмайди. Аҳён-аҳёнда топилса ҳам уларга нисбатан етарли чора-тадбирлар қўлланилмайди. Қарабсизки, яна ўша чайқовчи эртасиға бозорда истаган номаъқулчиликини қилаверади. Баъзан ўйланиб хаёлга толасан. Ахир ҳар куни эрталабдан кечгача растани эгаллаб ўтирган бу «сотувчилар» кимлар ўзи? Нима, уларнинг чорбоғи туганмас хазинамики, йил ўн икки ой бозорга танда қўйишса? Ахир уларни текширадиган, танобини тортиб қўядиган маъмурий идоралар қаёққа қарашяпти ўзи?

Ўтган ёзда шаҳар ички ишлар бошқармаси хизматчилари билан тунда шаҳар кезганимизда, қизиқ воқеанинг гувоҳи бўлдик. Ярим тунда Сағбон кўчасининг (эски район ижроия комитети бекати яқинида) ўнг томонидаги кўпчилик уйларнинг эшиклари очиқ, уларнинг йўлагига қўйилган стол ва стуллар устида папироснинг турли маркаларидан тортиб, чех пивосигача, арақдан тортиб коньяккача кўзга ташланади. Хоҳлаган киши улардан истаганча харид қилиши мумкин. Лекин савдосотиқ устама нархда. Масалан, бир шиша пиво икки сўм, арақнинг нархи эса 15 сўм. Харидорлар орасида баъзан милиция хизматчиларини ҳам учратасиз. Улар ҳам бу «бозорга» аллақачон кўникиб қолишгандек, керакли «нарса»ларни бемалол харид қилиб юришибди. Ёнимиздаги ҳамроҳларимизга савол назари билан қараймиз.

— Уларни участка милициялари назорат қилиши керак, — дейишади. Қани ўша участка милицияси? Наҳотки у бу воқеалардан бехабар? Хабардор албатта. Лекин, «юз амри иссиқлик» қилибми ёки келишувчанликка боримбми, у индамайди. Бундан «сотувчилар» миннатдор. Ахир мана шу ердан бемаҳал харид қилингани арақлар кўплар учун кулфат келтираётганини наҳотки сезмаётган бўлсак? Хайриятки, Собир Раҳимов милиция бўлимидагилар бу «тунги савдо бозори»ни ўз назоратлари остига олишди. Бўлмаса «бозор» кун сайин қизигандан қизиб бормоқда эди.

Ҳозир айниқса аёллар ўртасида турли ноёб кийим-кечакларни устама нархда сотиш авж олаяпти. Улар нафақат бозорларда, балки иш жойларининг ўзида чайқовчилик билан бемалол шуғулланишмоқда. Ҳамкасблари эса кўра била туриб, уларни бу ножўя йўлдан қайтариш ўрнига, балки бундайларга савдо-сотиқни авж олдиришларига имкон яратиб беришяпти. Биз ушбу мақолада ахир бу аёллар инсофга келиб қолишар, бу ножўя ишларнинг туб маъносига тушуниб етган ҳолда ундан воз кечишар деган умидда, уларнинг исми фамилияларини келтиришни лозим топмадик, Очиғи, кенг жамоатчилик, танишбилишлар олдида уларнинг юзларини ерга қаратишни истамасдик. Зеро, «Қизим сенга гапираман, келиним сен эшит» деган мақол бежиз айтилмаган-ку!

Шу ўринда ўз-ўзидан бир ҳақли савол туғилади. Хўш, магазинештахталарида «анқонинг уруғи» бўлиб қолган ноёб ва камёб моллар нима учун чайқовда истаганча топилади? Меҳнатсиз даромад топишга ружу қўйган кимсаларга қулай шароит яратиб бераётган кимлар? Хоҳласак, хоҳламасак, яна ўша эски гапни айтишга тўғри келади. Уларнинг «таъминотчилари» нопок йўл билан савдо шохобчаларига жойлашиб олган кишилар. Улардан тезроқ форғ бўлмас эканмиз, бу ёмон иллатдан ҳали-бери қутулишимиз қийин.

Собир Раҳимов район халқ суди Клара Жўрабекова ва Комила Чимироваларнинг қилмишига холисона баҳо берди.

1964 йилда туғилган Клара Жўрабекова ёш бўлишига қарамай, ҳеч қаерда ишламайди. Чайқовчилик кўчасига кирган. У кечаси соат 24.00 ларда 30 шиша Чимкент пивосининг ҳар бирини икки сўмдан пуллаётганда милиция хизматчилари томонидан ушланди.

Комила Чимирова ҳам оғзи куйганлардан. У шаҳримизнинг Ҳуррият кўчасида пиво савдосини авж олдирганда қўлга тушди.

К. Жўрабекова суд ҳукми билан икки юз сўм, К. Чимирова эса 50 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Биз суддан олдин ҳам, суддан кейин ҳам юқоридаги судланувчиларга: «Нега кўра била туриб, чайқовчиликка қўл урдингиз?» деган саволни бердик.

Улар бу саволга «Ночорлик туфайли шундай қилишга мажбур бўлдик», дея ўзларини оқламоқчи бўлишади. Бироқ табиийки, бу жавоб соф виждонли кишини қаноатлантирмайди. Ночор одам бирор жойда ишлайди. Ҳалол йўл билан пул топади. Чайқовчилик билан кун кўришни ўзига эп билиб, бировлар ҳамёни ҳисобига кун кечиришни ўйлаш бу жамиятга ҳам, эл-усулга ҳам хиёнат-ку! Қолаверса, меҳнатсиз топилган пул ғирт ҳаром. У ҳеч кимга насиб этмаган. Бундай мўмай даромадга ҳирс қўйганлар эса эртами-кечми ҳамиша қилмишларига жавоб беришади.

А. АҲМАДЖОНОВ,
Собир Раҳимов район халқ судининг раиси,
М. КОМИЛЖОНОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

Бу—қизиқ

ЗИЛЗИЛАНИ СЕЗАДИГАНЛАР

⊙ Ер қимирлашини олдиндан билиш хусусияти қаранг-ки, одамларда ҳам кузатилар экан.

Матбуот хабарларига қараганда, Венгриянинг Карпатин-Матрада деган жойида яшовчи кишилар, айниқса аёллар зилзила бўлишини беш-олти соат илгари билишаркан. Венгриядаги сейсмология институтининг ходимлари шу одамлар билан тажриба ўтказишган.

Текширишда аниқланишича, Ер қимирлашидан олдин маҳаллий аҳолининг аҳволи оғирлашиб, бўшашиб, қаттиқ бош оғриғи кузатилар экан. Одамларнинг юрак уриши ҳам ўзгаркан. Шунингдек, аёлларнинг қулоғига аллақандай шовқин эшитилиб, оғизларида куйган нарсанинг таъми сезилар экан.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТАШЖИЛРЕМОНТ» ТРЕСТИНИНГ 1-ТУЗАТИШ РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

ШАРТНОМА АСОСИДА НАҚД ПУЛГА

ХОНАДОНЛАРДАГИ БЎЁҚЧИЛИК, СУВОҚЧИЛИК, ДУРАДГОРЧИЛИК, ҚОПЛАШ ВА БОШҚА ТУЗАТИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИ.

1-тузатиш-қурилиш бошқармасининг манзили: 700016, Тошкент шаҳри, Фонвизин кўчаси, 6-уй.

Бориш йўли (метронинг «Чкалов» бекатидан): 6, 15, 22, 23, 48э, 49, 72э, 119э, 151, 154-автобусларнинг «Дубовая» бекати.

Қабул қилиш нуқтасининг манзили: Клара Цеткин кўчаси, 45-уй, 25, 60э-автобуслар; 1, 5, 8, 10, 17-автобуслар билан борилади.

Телефон 56-58-15.

«Ташжилремонт» трестининг 1-тузатиш-қурилиш бошқармаси.



КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ
1990 йил 26 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

ПОЙТАХТ КИНОЭКРАНЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ.


«ОҚСУЯК»



Сценарий муаллифлари: Л. ЗАГАЛЬСКИЙ, С. ЛИВШИН.
Режиссёрлар: Р. ГЕВОРКЯНЦ, Г. КЕВОРКОВ.
Ролларни ижро этувчилар: А. ПАНКРАТОВ-ЧЕРНИЙ, А. ЭЛБАКЯН, В. АЛЕКСАНДРОВ ва бошқалар.
«АРМАНФИЛЬМ».

Порахўрлик, ошна-оғайнигарчилик ва маҳаллийчиликни фош этувчи саргузашт ҳажвий кино асари воқеалари фирибгарлар тўдаси ўрнашиб олган гўшт комбинатида бўлиб ўтади. Қаллоблар гуруҳининг қора иллатларини очиб ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган тажрибали милиция ходими капитан Грант ҳам худди ўша ерга йўл олади.

«ОЙНАВАНД ЙЎЛАК»



Сценарий муаллифи — Э. ВОЛОДАРСКИЙ.
Режиссёр — М. ОСЕПЬЯН.
Ролларни ижро этувчилар — О. ФОМИН, Б. ШУВАЛОВ, Е. ТИТОВ ва бошқалар.
М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ КИНОСТУДИЯ.

Бу фильм мастликда кечаси ҳайвонот боғига кириб, буғуларни шафқатсизларча ўлдирган бир гуруҳ ўсмирлар — ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари ҳақида ҳикоя қилувчи ижтимоий-психологик драмадир. Ана шу ўсмирлардан бирининг тақдири кейинчалик фожиа билан тугайди.

Кинофильмларни ижарага бериш Тошкент шаҳар идораси.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ УЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!
АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ
3 ОЙЛИК ВА 5 ОЙЛИК ПУЛЛИ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсига қабул қилинганлар саҳна нутқи ва ҳаракати, клуб сценарийси ва режиссураси, актёрлик маҳорати ва режиссураси (масал, ҳикоя, шеър, рақс, қўшиқ, этюд, монолог, драматик асар таҳлили ва театршунослик асослари), **СССР тарихи, нишо ёзиш малакасини ошириш машғулотлари бўйича тайёрланади.**

Амалий машғулотлар катта саҳналарда Ўзбекистон телевидениесининг кўрсатувларида қатнашган ҳолда олиб борилади.

Машғулотларни Маданият институтининг ўқитувчилари ва Ўзбекистон телевидениесининг етакчи режиссёрлари олиб борадилар.

МАШҒУЛОТЛАР КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРДА 26 ФЕВРАЛДА БОШЛАНАДИ.

Қабул ҳар куни соат 17 дан 21.00 гача.

Адрес: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси, Авиасозлар маданият саройи, 2-қават, 90-хона, метронинг «Чкалов» станциясигача борилади. Телефон 96-55-81.

Макулатура топширувчи гражданлар диққатига!

Абонементлар тарқатиладиган кунлари макулатуралар қабул пунктларида Д. БАРРИ. Д. БИССЕТнинг «ПИТЕР ПЕН И ВЕНДИ. ЗАБИТИЙ ДЕНЬ РОЖДЕНИЯ» ва Г. ХАГГАРДнинг «КОПИ ЦАРИЯ СОЛОМОНА» китобларига абонементлар берилади.

Д. Барри. Д. Биссетнинг «Питер Пен и Венди. Забитий день рождения» китобига:

—24 ва 25 февралда ҳар қайси қабул пунктида 100 тадан абонемент;

— 10 ва 11 мартда 150 тадан абонемент тарқатилади.

Г. Хаггарднинг «Копи цария Соломона» китобига:

— 3 ва 4 мартда ҳар қайси қабул пунктида 150 тадан абонемент;

— 17 ва 18 мартда — 125 тадан абонемент тарқатилади.

Д. Барри. Д. Биссетнинг «Питер Пен и Венди. Забитий день рождения» ва Г. Хаггарднинг «Копи цария Соломона» китобларига абонементлар бир вақтнинг ўзида камида 10 килограмм макулатура топширилганидан кейингина берилади.

Д. Барри. Д. Биссетнинг «Питер Пен и Венди. Забитий день рождения» ва Г. Хаггарднинг «Копи цария Соломона» китобларига бернлган абонементлар 20 килограмм макулатура (шу жумладан, абонемент учун 10 килограмм) **топширилганидан кейин унда кўрсатилган китобни сотиб олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Маркалар абонементларга ёпиштириб берилади.**

Д. Барри, Д. Биссетнинг «Питер Пен и Венди. Забитий день рождения», Г. Хаггарднинг «Копи цария Соломона» китобларқ ва ундан кейинги бадний адабиётларга берилаётган абонементларга пушти рангдаги маркалар ёпиштирилади. Бошқа рангдаги маркалар бекор қилинади.

ҚАБУЛ ПУНКТ-МАГАЗИНЛАРИНИНГ ИШ ВАҚТИ:

Қабул пункт-магазинлари жума куни — соат 12 дан 20.00 гача ишлайди, танаффус — соат 15 дан 16.00 гача;

Якшанба куни қабул пунктлари — соат 10 дан 17.00 гача очиқ, танаффус — соат 13 дан 14.00 гача.

Дам олиш куни — душанба.

Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва қатнашчиларига навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1981 йил 4 июлдаги 234—Р сон кўрсатмасига мувофиқ Улуғ Ватан уруши ногиронларига ҳар қайси қабул пунктида тарқатиладиган абонементлар умумий миқдорининг 20 фоизи ҳажмида абонементлар бериш нормаси белгиланган.

Макулатуралар фақат турига қараб, газета, китоб-журнал, рўзғор картони ва ўров қоғозлари тариқасида алоҳида дасталаб боғланган ҳолда гражданларнинг қаерда яшаб туришларидан қатъий назар навбатга туриш тартибида қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси.

ПОЙАБЗАЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ
БАРЧА ХОҲЛОВЧИЛАРНИ ҚУЙИДАГИ КУРСЛАРГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

— инглиз тилини тезкорлик билан ўрганиш (3 ойлик), — машғулотлар — 1990 йил **4 мартдан** бошланади;

— ўзбек тили ва эски ўзбек ёзувини тезкорлик билан ўрганиш (3 ойлик) — машғулотлар 5 **мартдан** бошланади;

— макраме — арқоқлардан нақшлар тўқиш (3 ойлик) — машғулотлар **10 мартдан** бошланади;

— замонавий эстрада рақсини ўрганувчилар учун курслар — машғулотлар **7 мартдан** бошланади.

Маданият саройи манзили: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 4-уй. Телефон: 54-38-96 (2, 3, 6, 14-троллейбуслар; 51-автобуснинг «Пойабзалчилар маданият саройи» бекати).

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
7, 8 МАРТ СОАТ 19.30 да

Хоразм тароналари

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон комсомолининг мукофоти совриндори КАРИМБОЙ РАҲМОНОВ.

Лирик хонандалар ҚЎЗИБОЙ ОТАЖОНОВ, САЙЁРА НАЗИРОВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ГАВҲАР МАТЁҚУБОВА, ОДИЛ ҚАМОЛХЎЖАЕВ.

«Қизиққон-89» аския кўригининг совриндори ТОЛИБ ва ШЕРАЛИ ҲОЖИЕВЛАР, РУСТАМ МАМАДМУРОДОВ

Раққоса ЗУЛФИЯ УЗОҚОВА.

Программани Тошкент телевидениесининг диктори РАҲМАТИЛЛА МИРЗАЕВ **олиб боради.**

Билетлар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

ТОШКЕНТ БИРЛАШГАН АВИАЦИЯ ОТРЯДИ
БОШ ИҚТИСОДЧИ — ПЛАН-ИҚТИСОД БЎЛИМИНИНГ БОШЛИҒИ
вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

Маълумоти — олий иқтисодий;

Раҳбарлик лавозимларидаги (иқтисодий) иш стажи — 5 йил;

Ёши — 50 ёшгача.

Конкурсда қатнашиш хоҳишини билдирган кишилар қуйидаги ҳужжатларни **15 мартгача** Тошкент бирлашган авиация отрядининг кадрлар бўлимига тақдим этишлари лозим: кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳол, сўнгги иш жойидан характеристика, фотосурат, маълумот ҳақидаги диплом нусхаси.

Авиация отряди макони: 700167, Тошкент шаҳри, Граждан авиацияси аэропорти.

Тошкент шаҳар савдо бош бошқармасининг «ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ озиқ-овқат моллари контролёр-кассирларини тайёрлайдиган
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА
озиқ-овқат моллари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган
4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

25 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар айни пайтда кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари ҳам мумкин.

Ўқишни битирганларга йирик магазинларда ишга йўлланма берилади ва совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга киришлари учун имтиёзли шароит яратиб берилади.

Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

«Панорама» санъат арбоблари бирлашмаси

«ПАНОРАМА»

ИЖОДКОР ЁШЛАР УЮШМА-МАРКАЗИГА

АЙЛАНТИРИЛДИ

Даъволар «Панорама» ижодкор ёшлар уюшма-маркази томонидан 17 мартгача қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 68-уй. Телефон 53-74-92.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 00196.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/II да **Оловли фариштa**, 25/II да **Чипполино** (12.00), **Риголетто** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/II да **А. Қодирийнинг ўтган кунлари** (19.00), 25/II да **Келинлар қўзғолони** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/II да **Гул ва Наврўз** (19.00), 24/II да **Аршин мол-олон** (19.00), 25 /II да **Муҳаббат навоси** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/II да **Шанба оқшоми** программаси: **Гўзаллар ва миршаблар, Драматик антёрлар куйлайди, Фармонбиби аразлади** (16.00). 25/II да **Отасининг қизи** (16.00).

КИНО

23 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МИССИСИПИ АЛАНГА ИЧИДА» (катта зал, 18.30, 20,40).

Чайка — «КИЧИК ГУВОҲ» (18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (17.00, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (17.00); **«ЕВУЗ КУЧ»** (18.30, 21.00).

Восток — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (18.30, 20.45).

Москва — «ЁЛЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ» (17, 19.20, 20.40).

24 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

Санъат саройи — «МИССИСИПИ АЛАНГА ИЧИДА» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40).

Чайка — «ЖАНОВ ҲИНДИСТОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (12, 14.30, 17.20).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (11, 13, 15, 17.00), **«ЕВУЗ КУЧ»** (18.30, 21.00).

Восток — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16.00).

Москва — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (11, 13, 15.00), **«ЁЛЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ»** (17, 19, 20.40).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА. — **Польшанинг «Варшава» цирки ва совет цирки усталарининг гастроллари** (24/II да 16, 19.00; 25/II да 12, 15, 18.30).

Ташкилотлар, корхоналар ва кооперативларнинг раҳбарлари диққатига!

«МЕҲНАТ РЕЗЕРВЛАРИ» ўқув-спорт базасининг ИЖАРА ПУДРАТИДАГИ КОРХОНАСИ

«КАВЗ-685» ВА «ПАЗ-672» МАРКАЛАРДАГИ АВТОБУСЛАРНИ УЗОҚ МУДДАТГА **ИЖАРАГА БЕРАДИ**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Волгоград кўчаси, 81-уй. (метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси). Телефон 77-82-67.

Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 216-ўрта мактаб томонидан **Раджапов Юнус Ўринбоевич** номига берилган 031961 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар ҳисобот бухгалтерлик техникуми томонидан **Мамиров Сайдахмат Абаевич** номига берилган Ю—959878 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 234-ўрта мактаб томонидан **Бадалов Бахтиёр Юлдашевич** номига берилган 837107 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ